Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 5 (1069) • 2016-yil, 29-yanvar, juma

Халқ фаровонлиги

муносиб ҳаёт даражасида намоён бўлади

Муносабат

Ҳар бир йил мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида ўзига хос из қолдиради. Ягона мақсад йўлида ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб, пухта ўйланган режа асосида иш кўриш, қийинчиликларга қарамай олдинга интилиш, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижасини беради. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида келтирилган маълумотлар, янада юксак марраларни қўлга киритиш йўлидаги аниқ-равшан кўрсатмалар истиқлол йилларида ўз олдимизга қўйган асосий мақсад – мамлакатимизда тинчлик-тотувликни асраб-авайлаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл бериб, унинг мамлакат миқёсида янада кенг ёйилишига эришиш борасидаги ислоҳотлар изчиллик билан давом этаётгани ҳар бир йил бизни бу улуғ мақсадга яқинлаштираётганидан далолат беради.

Ишонч билан айтиш мумкинки, 2015 йил Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар сафидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилгани билан ҳам истиқлол солномасига муносиб зарварақ бўлиб қўшилади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, улар манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, тадбиркор ва ишбилармонлар учун янги-янги шарт-шароитлар яратиш, эл-юрт манфаатлари йўлида астойдил меҳнат қилаётган фидойи ватандошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, давлат активларини хусусийлаштириш, сармоя киритиш шарти билан, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш муҳим аҳамият касб этди.

Йил давомида қабул қилинган қатор қонун ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш, бу борада қатъий тартиб ўрнатиш ишлари изчил давом этди. Янги йилнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолият бошлагани айни муддао бўлди, дея айта оламиз. Бу ва бошқа тадбир-чоралар натижасида юртимизда тадбиркорлик муҳити янада яхшиланди, халқимиз орасидан етишиб чиқаётган салоҳиятли ишбилармонлар ўзлари учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

3➢

Қўшма йиғилиш

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқувчи партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Инсон манфаатлари, қонун устуворлиги

фаолиятимиз асоси бўлиб қолаверади

Кун тартибидаги масала юзасидан дастлаб Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Наримон Умаров маъруза қилди.

Таъкидланганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар натижасида ўтаётган ҳар бир йил мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим воқеаларга, туб янгиланишларга бой бўлмоқда. Тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида қўлга киритаётган ютуқларимиз салмоғи йил сайин ошиб бормоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бардавомлиги, танлаган йўлимиз ва кўзлаган манзилимизнинг аниқ эканлиги, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, халқимизнинг ғайратшижоати эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилиб, юксак мараларни забт этаётгани ҳар биримизни келажакка ишонч билан қарашга ундайди.

Жорий йилнинг 15 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган

иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ўтган йили мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар сарҳисоб қилиниб, барча соҳада эришилган натижалар танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Шунингдек, жорий йилда юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширишимиз лозим бўлган энг муҳим вазифалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида қайд этилганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8 фоизга ўсганлиги, Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, албатта, тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасидир.

Ўтган йилда иқтисодиётнинг ва хизматлар соҳасининг барқарор юқори ўсиш суръатлари аҳоли даромадларини, инсонлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдори 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди. 980 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди, улардан 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойлардадир, касб-ҳунар коллежларининг 480 мингдан ортиқ битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Муҳтарам Юртбошимиз ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратди ҳамда 2016 йилда ислоҳотларни давом эттириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялашнинг дастурий вазифаларига, шунингдек, энг муҳим устувор йўналишларига батафсил тўхталиб ўтди.

Жорий йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, ўртача иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши назарда тутилаётгани халқимиз турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

2➢

Умумбашарий мерос

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

Алишер Навоий асарларида тараннум этилган эзгу ғоялар барча халқлар учун аҳамиятлидир.

Буюк шоир ижодий мероси бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Навоийнинг рус тилидаги девони, инглиз, немис, француз, испан, итальян, хитой, япон ва бошқа тилларда чоп этилган асарлари мутафаккир меросига эътибор юксак эканидан далолатдир.

XVI – XVII асрларда Навоий асарлари Европада кенг тарқала бошлаган. Улар орасида энг кўп таржима қилингани "Мажолис ун-нафоис"дир. "Фарҳод ва Ширин", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб" асарлари ўрта асрлардаёқ немис тилига, у орқали бошқа тилларга ўгирилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва жаҳон тилларига таржима қилишга кенг имкониятлар яратилди. 2000 йилда Навоий асарларидан намуналар асосида "Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар" номли китоб инглиз ва немис тилларида чоп этилди. Й.Парда, Л.Кметюк ва К.Маъмуров таржимасида тузилган ушбу жамланма улуғ мутафаккир меросини дунё ўқувчиларига етказишда муҳим қадамлардан бўлди.

2009 йилда Германиянинг Фрайе университети симпозиумида ўқилган маърузалар асосида тайёрланган "Mir Alisir Nawai" номли тўпламга тўққизта мақола киритилган. З.Клайнмихел уч юз саҳифали мақоласида мутафаккир ижоди, ҳаёти, ғазал ёзиш қонуниятлари, шарқона ғазал оҳанги, асарларидаги тарбиявий жиҳатларни еттита фаслга бўлиб таҳлил қилган.

Польшада буюк мутафаккирнинг ғазалларидан бир туркуми ўзбек ва поляк тилларида алоҳида нашр этилган. Таниқли таржимон Януж Кжижовский томонидан тайёрланган ушбу тўпламнинг илк нусхаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига тақдим этилган. Ушбу китоб Польша Миллий кутубхонаси каталогидан ўрин эгаллагани қувонарли.

Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» асари қўлёзмасининг электрон шакли 2013 йилда Британия кутубхонаси томонидан Миллий кутубхонамизга берилган. Шоирнинг «Хазойин ул-маоний» девони таркибига кирувчи ушбу асар юксак тафаккур ҳамда беғубор туйғуларнинг гўзал бадиий талқинидир. Ушбу қўлёзма китобот ва миниатюра санъатининг ноёб намунаси ҳамдир.

Алишер Навоий асарлари француз тилига ҳам кенг таржима қилинмоқда. Шоир ғазаллари Ҳамид Исмоилов ва Жан Пьер Балпе таржимасида Франциянинг "Orphee La Difference" нашриёти томонидан чоп этилди. "Gazels et autres poems" номли ушбу китобда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот ҳамда асарлари библиографияси келтирилган. Шунингдек, ғазал, рубоий, қитъа, чистон, мухаммас, фард каби адабий жанрларнинг таърифи ва уларга араб ва француз тилларида намуналар берилган. Навоийнинг француз тилига таржима қилинган асарларидан тузилган яна бир китоб "Gazels" бўлиб, Муродхон Эргашев ва Жан Жак Гате томонидан "Editions Georama" нашриётида чоп этилган.

Яқинда Франция Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Миллий кутубхонасига Алишер Навоийнинг француз тилидаги китоблари тақдим этилгани буюк бобокалонимиз таваллудининг 575 йиллигига тухфа бўлди.

Навоий меросини қанча ўрганса ҳам адоғига етиб бўлмайди. Бу улкан маънавий бойликни жаҳон бўйлаб кенг ёйишда таржиманинг ўрни катта.

Навоий асарлари теран фалсафий фикрлар, гўзал ташбеҳлар жамланмаси. Уларнинг моҳиятини теран тушунган, аслиятдан йироқлашмаган ҳолда тадқиқ ва таржима қилиш ниҳоятда муҳим.

Абдумурод ТИЛАВОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти.
ЎзА

Депутат минбари

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилиши ва шундай тартиб сақланиши, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланиши таъкидлаб ўтилган эди.

Тадбиркорлик ҳимоясининг

ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланмоқда

Ушбу жараённинг самарадорлигини оширишда эса қонун нормаларининг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирига уйғунлиги ва мувофиқлигини таъминлаш алоҳида ўрин тутади. Шу боис ҳам парламент қуйи палатаси қонун ижодкорлиги фаолиятида айни масалага жиддий эътибор қаратмоқда. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қонцептуал тарзда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам мазкур йўналишда кўрилаётган чораларга мисол бўлиши мумкин.

2➢

Бугунги сонда:

"ЯХШИ ЛИБОС танга оройиш..." 5

ТИЛЛАГА ҚЎЙИЛГАН ТУЗОҚҚА фирибгарларнинг ўзлари тушишди 6

ЮРТ ИШОНГАН, ТАЯНГАН баркамол авлод 8

Инсон манфаатлари, қонун устуворлиги

фаолиятимиз асоси бўлиб қолаверади

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Бу эса, ўз навбатида, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилиши тарафдори, иқтисодий ўсиш натижалари аҳоли қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилишини қўллаб-қувватловчи "Адолат" СДП электорати манфаатларига, дастурий мақсадларига тўла мос келиши билан аҳамиятлидир.

Шу муносабат билан Наримон Умаров партиянинг барча тузилмалари ҳамда депутатлик корпусларидан Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишидаги Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш, шу билан бирга, аҳолининг кенг қатлами ва электорат билан учрашувларда маърузанинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ислоҳотларнинг самарасини, тараққиётимизга доир ҳар бир рақам, ҳар бир кўрсаткични хаётий мисоллар асосида чуқур тушунтириш талаб этилишини таъкидлаб ўтди.

Бу жараёнда, айниқса, партиянинг ижтимоий лойиҳаларини кенг жорий қилиш, амалий саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишга партия барча тузилмалари, депутатлик гуруҳлари ва фаолларининг куч, имкониятларини сафарбар қилиш лозимлиги эътироф этилди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар партия фаоллари ва депутатлар олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида тўхталдилар.

Улуғбек САМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Ўтган 2015 йилда фракциямиз қонунчилик фаолиятида 26 та қонун лойиҳасига масъул бўлиб, 7 та қонун лойиҳасининг ташаббускори бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган қатор вазифалар жорий йилдаги қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хусусан, "Адолат" СДП иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш тарафдори эканлигидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг республикамиз ҳудудига эскирган, талабга жавоб бермайдиган асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ишга тушириш юзасидан буюртмачиларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан билдирган таклифлари зиммамизга катта масъулият юклайди.

Шундан келиб чиқиб, фракциямизнинг 2016 йилга мўлжалланган иш режасига асосан "Инновация ва инновацион фаолият тўғрисида"ги ҳамда "Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кенг муҳокамадан ўтказиш ҳамда қабул қилинишига эришиш муҳим вазифаларимиздан саналади.

Партиямиз электорати бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар учун янада қулай шароитлар яратиш ҳамда бу орқали бизнес муҳитини яхшилаш борасида мавжуд қонунчиликка, жумладан, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишимиз лозим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз орқали ижтимоий-иқтисодий соҳаларда давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан депутатлик назоратини кучайтириш биз учун ҳаётий заруриятдир.

Қолаверса, мамлакатимизни ахборот-коммуникация технологиялари юқори даражада жорий этилган илғор мамлакатлар қаторига киритиш, очиқлик ва ошкоралигинг муҳим омили сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хусусан, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этиш, таълим соҳасидаги электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш партиямизнинг энг муҳим дастурий мақсадларидандир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бир неча йиллардан буён партиямиз томонидан илгари суриб келинаётган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда "Электрон ҳукумат" тизимини яратишни тубдан тезлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси белгиланган дастурий ғояларимиз ҳаётда ўз ифодасини топиб бораётганидан далолатдир.

Келгусида ҳам иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳага АКТни жорий этиш ва ривожлантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича тегишли тартибда таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бу борадаги ташаббусларимизни қонун ижодкорлиги жараёнига яна кенгроқ татбиқ этиш олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Омонулла ИБРАГИМОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Муҳтарам Юртбошимиз ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратди ҳамда 2016 йилда ислоҳотларни давом эттириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификациялашнинг дастурий вазифаларига, шунингдек, энг муҳим устувор йўналишларига батафсил тўхталиб ўтди.

Жумладан, ҳукумат, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига амалга оширилаётган тизимли демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизациялаш, энг аввало, саноатда ва қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга оширишни давом эттириш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни илдам ривожлантириш ва манфаатини ҳимоялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини, ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Албатта, ушбу вазифалар маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларимиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Айниқса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларинин ишлаб чиқилиши, ижро этилиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида фаол иштирок этиш доимий диққат марказимизда бўлади.

Хусусан, Юртбошимизнинг ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни касбга йўналтириш бўйича билдирган фикрларига асосан, кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус касб-ҳунар мутахассислик йўналишларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш партиямизнинг барча даражадаги депутатлик гуруҳлари учун долзарб бўлиб қолаверади.

2016 йилда 990 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Шундан келиб чиқиб, бандлик дастурининг жойларда самарали ижро этилиши устидан депутатлик назорати ўрнатиш, иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш бўйича белгиланган режаларимизни янада аниқлаштириб олиш бугунги кун талабидир.

Шу билан бирга, жорий йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратиш, ушбу сармояларнинг 33,7 фоизини таълим-тарбия соҳасига, 14 фоизини соғлиқни сақлаш тизимига йўналтириш кўзда тутилаётгани бизни қувонтирмоқда.

Бу ўринда партиямизнинг депутатлик корпусларидан соҳага ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда, масъул шахсларнинг ҳисоботларини ҳудудий Кенгаш сессиялари кун тартибига киритишда янада фаоллик, қатъиятлилик ҳамда ташаббускорлик талаб этилади. Ушбу жараёнда партия ташкилотларимиз ва фаолларимиз ҳам четда турмасликлари, жойлардаги муаммоларни ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсияларини депутатларимизга тақдим этиб боришлари, бир сўз билан айтганда, изчил ҳамкорлик зарур, деб ўйлайман.

Райхона ЎРМОНОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудири:

— Президентимиз маърузасида "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ушбу йил учун мўлжалланган мақсадлар ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чора-тадбирларни, шу жумладан, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур масалалар партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифаларимизга ҳамоҳанглиги билан бизни ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга ундайди.

Шу боис бугунги йиғилишимизда дастурий вазифаларимиз ижросида партиянинг бошланғич ташкилотларидан тортиб барча тузилмалари ҳамда депутатлик корпуси фаол ва ташаббускор бўлиши зарурлиги, аҳолига, айниқса, хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришда депутатлик назоратидан самарали фойдаланиш асосий вазифалардан эканлиги алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни аҳолининг кенг қатламларига етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда, айниқса, партиянинг "Аёллар" ва "Ёш адолатчилар" қаноти фаолларидан янада ташаббускорлик талаб этилади. Бу борада партиявий лойиҳаларимизни амалиётга янада кенг татбиқ этиш айни муддаодир.

Жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг бажарилашига кўмаклашиш мақсадида "Ижтимоий соҳа ривожи – аҳоли фаровонлигининг асоси", "Инновацион фаолият – тараққиёт гарови", "Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик" ва "Яхши касб – етук мутахассис – муносиб иш ҳақи" лойиҳаларини жорий йилда партиянинг барча даражадаги бўғинларида амалга оширишимиз зарур.

Шу билан бирга, қабул қилинажак "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросида фаол иштирок этиш мақсадида "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур", "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик" ва "Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак" каби ижтимоий лойиҳаларини амалиётга кенг жорий қилишимиз, бунда ижтимоий ҳамкорларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Тижорат банклари билан ҳамкорликда ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билан давра суҳбатлари ўтказиб, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ўқувчиларга амалий ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Қўшма йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Людмила Кашелапова, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси Талъат Муродов, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Камолжон Шодиметов сўзга чиқиб, партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларининг долзарб вазифалари бўйича фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Анжуман сўнггида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири

Тадбиркорлик ҳимоясининг

ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ёрмамат ХОЛИЯРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Аввало шуни таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунлар талаблари асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 11 майдаги "2015 йил учун қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжат лойиҳасини тайёрлашдан кўзланган мақсад "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонуннинг Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳақидаги моддасига "Табиий монополиялар тўғрисида"ги ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар тегишли нормаларини бугунги давр тақозосига кўра мувофиқлаштиришдан иборат.

Шу муносабат билан "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонуннинг Монополияга қарши давлат органининг қарорлари (кўрсатмалари) устидан шикоят қилиш моддасининг янги таҳрири таклиф этилмоқда. Чунончи, киритилаётган ўзгартишга асосан, табиий монополия субъектлари, давлат органлари, истеъмолчилар ва уларнинг жамоат бирлашмалари монополияга қарши давлат органининг қарорлари ёки кўрсатмаларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризани суд ёхуд қарор ёки кўрсатмани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги шикоят билан бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ва мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Шунингдек, қонун лойиҳасида белгиланаётганидек, судга ариза бериш устидан шикоят қилинаётган давлат бошқаруви органининг қарори ёки кўрсатмасини ижро этишни суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар, ҳозирги нормадан фарқли ўлароқ, тўхтатиб туради. Алоҳида изоҳланганидек, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган қарорлар (кўрсатмалар) бундан мустаснодир.

Бундан ташқари, таклиф этилаётган янги қоидага кўра, табиий монополия субъектлари, истеъмолчилар ва уларнинг бирлашмалари судга ариза берганликлари тўғрисида монополияга қарши органни тегишли тасдикловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилишлари шарт.

Қонун лойиҳаси асосида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик моддасининг давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси устидан шикоят қилишни кўзда тутувчи қисми чиқарилиб, ушбу мазмундаги қоида алоҳида модда ҳолида ҳамда тўлиқроқ тарзда акс эттирилмоқда.

Таклиф этилаётган янги моддага кўра, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат органининг қарорини ёки кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга ёхуд қарорни ёки кўрсатмани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги шикоят билан бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат этишга ҳақлидир. Бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилиш ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан махрум қилмайди. Судга ариза бериш устидан шикоят қилинаётган давлат бошқаруви органининг қарори ёки кўрсатмасини ижро этишни суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар тўхтатиб туради. Бунда, албатта, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган қарор ва кўрсатмалар мустасно. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) судга ариза берганликлари тўғрисида давлат органини тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилишлари шартлиги белгиланмоқда.

Умуман, мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз ичига олган қонуннинг қабул қилиниши натижасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шу орқали республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш учун қулай шарт-шароит ва имконият яратилади.

Бугунги кунда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни кетмоқда. Бунда таклиф этилаётган нормалар Хўжалик-процессуал ҳамда Фуқаролик-процессуал кодексларининг, "Рақобат тўғрисида"ги қонуннинг, шунингдек, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларига мувофиқлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Халқ фаровонлиги

Давоми. Бошланиши 1-бетда

муносиб ҳаёт даражасида намоён бўлади

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида Ўзбекистон 2015 йилда 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллагани фикримизнинг яққол далилидир. «Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб тургани ёки 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилгани кўп нарсани англатади. Қисқа муддат ичида бундай юқори натижаларга эришиш осон эмас, албатта. Собиқ тузум шароитида тадбиркорлик расман тақиқлаб қўйилгани, ишбилармон одамларга ўз салоҳиятларини намоён этишга йўл берилмаганини эсласак, бугун мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56,7 фоизга етгани энг катта, дунё миқёсида олганда ҳам ҳавас қилса арзигулик муваффақият ҳисобланади. "Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан", деб таъкидлади Юртбошимиз. Мамлакат иқтисодиёти таркибини ўзгартириш, муҳим етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир замонавий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилгани ва ўзлаштирилгани, бу маблағнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келиши Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун ҳам энг қулай ва манфаатли шарт-шароит яратилганини кўрсатиб турибди.

Бундай ютуқлар ғоят мураккаб шароитда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қўлга киритилгани ғоят қувонарлидир. Маърузада келтирилган мана бу рақамларга эътибор берайлик. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди. Аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қандай натижа берганини ҳар бир хонадон соҳиби бугун, айниқса, ўз дастурхонида кўриб турибди, ушбу маҳсулотларнинг харид нархи қиш мавсумининг ўртасида ҳам барқарор сақланиб тургани таҳсинга сазовор. Президентимизнинг сўзлари билан айтганда, "Буларнинг барчаси фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнати маҳсулидир". Мамлакатимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси изчил ривожланаётгани, бу йўналишда сўнгги уч йилда 22 минг 800 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилгани, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 1,6 баробарга кўпайгани ҳар жиҳатдан эътиборга молик.

Бугун дунёнинг ривожланган, иқтисоди бақувват давлатларида ҳам молиявий инқироз туфайли юз берган нохушликлар давом этаётган, иш ўринлари, моддий рағбатлантириш лойиҳалари қисқараётган, йирик саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада камаяётган бир шароитда, Ўзбекистонда бир йилнинг ўзида 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилингани, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилганининг ўзиёқ эътирофга молик. Якунланган йил давомида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар 9,6 фоизга ошди. Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган юксак инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик режаларининг амалга оширилиши Ўзбекистонда қандай улуғ мақсадли жамият барпо этилаётганини, эл-юрт манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилган, миллий тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ҳар бир киши умрининг охиригача эл-юрт, жамият, давлат эъзозида бўлишини дунёга кўрсатди. Бугунги мураккаб шароитда давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан кексаларни эъзозлаш мақсадида 2 триллион 246 миллиард сўм ва 225 миллион доллардан зиёд маблағ сарфлангани Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида чинакам халқчил, адолатли сиёсат олиб борилаётганини кўрсатади.

Қувончлиси шундаки, жорий йилда бу ва бошқа кўп бунёдкорлик, яратувчанлик, фаровонлик ишлари изчил равишда давом эттирилади. Жумладан, қишлоқ жойларда 1 миллион 800 минг квадрат метрдан зиёд хажмдаги 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 900 километр ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари, 325 километр йўл қуриш мўлжалланмоқда.

Ушбу йилда барчамиз Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннель қурилиши якунланганига, Ангрен – Поп йўналиши бўйича темир йўл қатнови йўлга қўйилганига гувоҳ бўламиз. Ғоят қисқа вақт ичида амалга оширилган бу маҳобатли ва ҳайратомуз иншоотга дунёнинг ҳам ҳаваси келса, ажаб эмас.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш 2016 йилнинг устувор аҳамиятли вазифаси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналар учун тақдим этилаётган имтиёзлар тизимини яна бир марта танқидий кўриб чиқиш, божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, уларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун тарифларни пасайтиришга доир қўшимча чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилади. Йилнинг муҳим вазифаларидан яна бири — мамлакатимизда оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ва скрининг марказлар, патронаж хизматларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини шакллантириш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳит яратиш, қиз болаларни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш билан боғлиқ. Айтиб ўтиш зарурки, бу масалалар истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбарининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Бугун ўзбекистонлик ёшлар — истиқлол йилларида таваллуд топиб, янги шароитда улғайган йигит-қизлар дунё миқёсида турли соҳаларда ажойиб ютуқларни қўлга киритаётган эканлар, бу ёш авлодга бўлган юксак ишонч ва ғамхўрликнинг натижасидир. Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги нишонланадиган 2016 йилни ҳам ажойиб меҳнат ғалабалари билан безаш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, тинчлигимиз, тотувлигимизни асраб-авайлаш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

➤ **Давра суҳбати**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида Тошкент ирригация ва мелиорация институтида "Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш омиллари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман кенгашлари масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари, институт ўқитувчи-профессор ва талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Юксак ҳуқуқий маданият

қонун устуворлигининг асосий мезонидир

Таъкидланганидек, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш ҳамда фуқаролик жамияти қуриш йўлида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Табиийки, бу жараёнларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият жамиятда қонун устувор бўлишининг асосий мезонларидан бири саналади.

— Ёшлар билан ишлашда нафақат давлат муассасалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этишмоқда, — деди Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши раиси Адолат Яхъяева. — Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган бош вазифаларидан бири мамлакатимиз таълим тизимининг фуқароларнинг комил шахслар бўлиб шаклланишига йўналтирилган, инсон омилини намоён этадиган, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни етиштириб берадиган энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат.

— Ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда аҳоли, айниқса, ёшларнинг қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан ўз вақтида хабардор бўлиши, амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши муҳим аҳамиятга эга, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Одилжон Омонов. — Уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишда партия фаоллари томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, партиянинг "Фикр — ғоя — ҳаракат", "Ватан келажаги ёшлар қўлида", "Конституция — адолат мезони", "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари", "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият" каби ўндан зиёд лойиҳалари асосида ёшларнинг қизиқиши, манфаатлари ва интилишларига катта эътибор қаратилаётир.

Шунингдек, партиямиз давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори эканлиги, барчанинг сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратиб берадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқишни илгари суриб келаётганлиги таъкидланди.

Тадбир якунида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга депутат ва мутахассислардан батафсил жавоблар олишди.

Феруз ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

➤ **Маҳалла ҳаёти**

Маҳалла аҳлининг турмуш тарзида бўй кўрсатаётган юксалишлар, обод манзиллар билан танишиш, бугунидан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ одамлар билан суҳбатлашиш дилингизни хушнуд қилади.

"Янги шаҳар"нинг фидойи фаоллари

Қумқўрғон туманидаги "Янги шаҳар" маҳалласига келганимизда маҳалла оқсоқоли бошчилигида маслаҳатчи, котиб, посбон биргаликда маҳалладаги хонадонларда истиқомат қилаётган маҳалладошлар билан томорқалардан унумли фойдаланиш ҳақида маслаҳатлашиб юришган экан. Биз ҳам уларга ҳамроҳлик қилиб, уч-тўртда хонадонга кирар эканмиз, ораста, саранжом-саришта ҳовли-жойлар, томорқадаги мевали ва манзарали дарахтлар, эгатларда бир текис унган сабзавот экинларини кўриб, меҳнатсевар одамларнинг табиатдай беғубор, меҳридарё қалбини ҳис этдик.

— Маҳалламизда 657 та хонадон бор, аҳолимиз сони 3841 нафарни ташкил этади. Шунингдек, ҳудудимизда 2 та умумтаълим мактаби, 3-сонли футбол мактаб-интернати, 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби, агросаноат касб-ҳунар коллежи, туман марказий шифохонаси ҳамда 2 та хусусий шифохона фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу эса бизга бир қатор қулайликларни яратиш билан бирга зиммамизга алоҳида масъулият ҳам юклайди. Миссол тариқасида айтадиган бўлсам, туманимизнинг бошқа ҳудудларидан, вилоятимиз ёки бошқа вилоятлардан маҳалламизга кўплаб меҳмонлар келиб туради. Ана шундай меҳмонлар кўз ўнгида маҳалламизнинг обод, кўркам бўлишини таъминлаш учун доимо ҳаракатдамиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азамат Абилов.

Маҳалла оқсоқолининг гапларида жон бор. Биргина ушбу маҳаллада учта тўйхона ҳудуд кўркига кўрк қўшиш баробарида тўю тантаналарни ортиқча чиқимларсиз ихчам қилиб ўтказишга хизмат қилмоқда. Маҳалладошлар бирор тадбирни бошлашдан аввал фаоллар, нуронийлар билан маслаҳатлашиб олишади. "Кенгашли тўй тарқамас" деганларидек, кўпчиликнинг бош қўшиши билан бошланган бундай тадбирлар доимо тартибли ўтаяпти.

Маҳалла маслаҳатчиси Хадича Турсунованинг таъкидлашича, ушбу маҳаллада 52 нафар тадбиркор бўлиб, уларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этади. Касаначилик, тикувчилик, тўқувчилик, борингки, бир нечта ҳунарни пухта ўзлаштирган аёллар, ёш қизларга ҳунар сирларини ўргатиб келишмоқда. Масалан, "Машҳура" ўқув марказида 100 нафардан ортиқ қизлар иш билан банд. Улар турли ҳунарларни ўрганиш билан бирга ўзлари тайёрлаган маҳсулотни сотиб, даромад ҳам кўришяпти.

— "Аъзамбой-Очилбой" хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Чориева бизнинг доимий ҳамкоримиз, у кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан доимо хабар олиб, уларга моддий кўмак кўрсатиб келмоқда, — дейди Х.Турсунова.

Ҳа, халқимизда қўли очиқнинг йўли очиқ, деган ибратли нақл бор. Тадбиркор Зулфия Чориеванинг маҳалла аҳлига кўрсатаётган ёрдами, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш йўлидаги изланишлари ўз самарасини бераётганлиги ҳам рост. Буни тадбиркорнинг 2015 йилда "Тадбиркор аёлларнинг энг яхши лойиҳаси" кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қаердаки, ҳамжиҳатлик, эзгу мақсад йўлида бирлашиш бўлса, ўша жойда барча жабҳаларда қувонарли натижалар қўлга киритилаверади. Буни яхши англаган маҳалладошлар ҳар бир ишни бамаслаҳат амалга оширишмоқда. Ўтган йили маҳалла ҳудудида барча қулайликларга эга 64 та хонадондан иборат 2 та тўрт қаватли "Камолот" уйлари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу уйларда турли соҳаларда ташаббус кўрсатиб келаётган фаол ёшлар истиқомат қилишаётганидан қувондик. Боиси уларга ҳавас қилган маҳалла ёшлари, ота-оналар ҳам келгусида давлатимизнинг ана шундай ғамхўрлигига сазовор бўлишга интилишади.

— Санъат ва спорт соҳасида ўз иқтидорларини намоён қилиб, мамлакатимиз ва халқаро миқёсларда муваффақиятларга эришаётган маҳалладош ёшларимиз ҳам талайгина, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини котиби Алишер Қўшшаев. — 2015 йилда шарқ якка курашининг "Таэквандо WTF" тури бўйича Артур Чориев вилоят чемпионатида ғолибликни қўлга киритди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалладаги кексаю ёш доимо рағбат ва эътиборда.

— Ҳар бир байрам арафасида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга маҳалламиздаги тадбиркорлар кўмагида моддий ёрдам кўрсатиб келамиз. Ўтган йили "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан бир гурух кекса отахону онахонларни вилоятимиздаги қадимий ёдгорликларга зиёратга олиб бордик. Бу йил ҳам режаларимиз кўп. "Соғлом она ва бола йили"да оилалар, бўлажак оналар билан мутахассислар иштирокида учрашувлар ташкил этяпмиз. Маҳалладошларимиз оиласида соғлом фарзандлар дунёга келсин, деган мақсадда бу масалага жиддий ёндашаяпмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азамат Абилов.

Ҳа, Қумқўрғон туманидаги "Янги шаҳар" маҳалласи кун сайин обод бўлиб, бу масканда одамлар фаровон турмушидан мамнун яшамоқда. Албатта, маҳалладошларнинг эзгу мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги шундай фаровонликда яққол намоён бўлаётир.

Мақсуд ТЎРАЕВ,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Муаммоларга ечим топиш

доимий эътиборимизда

➢ Депутатлик гуруҳларида

Партиянинг сиёсий майдонда муносиб ўрин эгаллаши ва кенг омма ўртасида нуфузи ошишида ушбу партиядан сайланган депутатларнинг юксак билим ва профессионал маҳоратга, ҳаёт тажрибасига эга бўлиши жойларда мавжуд муоммаларни ўз вақтида ўрганиши ҳамда уларнинг қонуний тартибда ҳал этилишига эришиши катта ўрин тутади.

Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари навбатдаги йиғилишда "Шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш" тўғрисидаги масалани муҳокама қилишди.

Депутатлик гуруҳи раҳбари У.Сейтжанова таъкидлаганидек, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни ўстириб, улғайтиришда улар ҳар куни истеъмол қилаётган ичимлик сувининг сифати алоҳида аҳамиятга эгадир.

Айни кунда Нукус шаҳрида 57 та маҳаллада 300 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Ушбу аҳолининг 70 фоизга яқини водопровод тармоғи орқали тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, жами сув тармоқлари 410,307 километрни ташкил қилмоқда.

2015 йилда Нукус шаҳрида хонадонлар бўйича жами 51352 та истеъмолчининг 21700 нафари, яъни 42 фоизи сув ўлчагич ускунаси билан таъминланган. Қолган истеъмолчилар тўловларни умумий тартибда амалга оширмоқдалар.

Йиғилишда депутатлик гуруҳи аъзолари З.Кутибаева ва Р.Ибрагимовлар сўзга чиқиб, шаҳардаги водопровод сув тармоқлари етиб бормаган аҳоли пунктларига водопровод қувурлари ўтказиш ишларини тезлаштириш, коммунал тўловларда ноаниқликлар бўлмаслиги учун хонадонларни сув ўлчагич ускуналари билан таъминлашга эътиборни кучайтириш лозимлигини қайд этишди.

Шулардан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳи аъзоси А.Абдреймова аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини чуқур таҳлил қилиш ва ушбу тармоқ раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш зарурлигига ҳам эътибор қаратди.

Муҳокамалардан сўнг йиғилиш қарорига мувофиқ "Шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш" тўғрисидаги масала халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги "Коммунал хўжалиги, ободонлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича" доимий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида муҳокама этиш учун тақдим қилинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, фуқароларнинг мурожаатларида келтирилган масалалар мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз ечимини топмоқда.

Депутатлик гуруҳи раҳбари У.Сейтжанова номига 23-кичик туманда истиқомат қилувчи А.Айтеновнинг коллеж ва академик лицей ўқувчиларига шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш юзасидан белгиланган талабларнинг бажарилишига доир мурожаати асосида "Нукус транспорт" бошқармасига депутатлик сўрови киритилиши орқали масала ижобий ҳал этилди. Ҳозирда Нукус шаҳрида ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларига енгилликлар яратиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 23 февраль кунги мажлиси қарори асосида, ҳар ўқув йилининг 1 сентябрь санасидан 1 июль санасигача, ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 7^{00} дан 9^{00} гача ва 13^{00} дан 15^{00} гача коллеж ва академик лицей ўқувчиларини шаҳар транспортида бепул ташишга оид белгиланган талаблар ижроси таъминланмоқда.

Сайловчилар қувончу ташвишларига шерик бўлиш, уларни қийнаётган масалалар юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш халқ вакилларининг депутатлик фаолиятида асосий мезонга айланган.

Бунга яна бир мисол келтирсак. Нукус шаҳар 9-сонли сайлов округидан депутат Айша Абдреймова номига 21-кичик туман 7-а уйда истиқомат қилувчи Дина Қутлимуратова ўғли Қуралбой Мирзақуловнинг бетоблиги, оила кам таъминланганлигини инобатга олиб, ўғлининг даволанишига амалий ёрдам кўрсатишни сўраб қилган мурожаати асосида депутат Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига депутатлик сўрови юборган эди. Тез орада депутатлик сўровига жавобан амалий чоралар кўрилиб, Қ.Мирзақулов онкология диспансерида бепул даволаниб, шифо топди.

Депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси Соғлом она ва бола йилида ҳам сайловчилар ишончини оқлаш, партия Сайловолди дастурий вазифалари ижросини таъминлашда фаолликни янада оширишни мақсад қилган.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

СДП хабарлари

Маълумки, ижтимоий касалликлар қаторида дунё миқёсида ОИВ ва ОИТСга чалиниш тобора ортиб бораётгани глобал муаммолардан бири ҳисобланади. ОИТС аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши, касалликка чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш мажбурияти ва унга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек, демографик ҳолатга таъсир қилиш орқали иқтисодий тараққиётга хавф туғдиради.

Ёшлар — ОИТСга қарши

Эътироф этиш керакки, ушбу касалликнинг олдини олиш юзасидан мамлакатимизда ҳам зарур чора-тадбирлар самарали амалга оширилаяпти. Жумладан, ОИТСга қарши кураш марказларининг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб, мазкур йўналишда янги диагностика ва даволаш услублари татбиқ этилаётганлиги, шунингдек, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг камровли ишлар бажарилаётганлиги эътиборга молик.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежида "Ёшлар инсоният келажагининг кушандаси бўлган ОИВ ва ОИТС га қарши" мавзусида вилоят "Репродуктив саломатлик" маркази, "Наркология диспансери", вилоят "ОИТСга қарши кураш маркази", Саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро филиали билан ҳамкорликда тренинг ўтказилди.

Тренингда ҳамкор ташкилотлар ходимлари "ОИВ инфекциясининг юқиш йўллари", "Репродуктив саломатлик омиллари", "ОИВ/ОИТС ҳақида саволлар ва жавоблар", "Йўқ" дейишни ўрган!" сингари мавзуларда гуруҳларга бўлинган ҳолда ёшлар билан машғулотлар олиб боришди.

— "Ўзингни хавфга қўйма, ОИВ дан ҳимоялан!" шиори остида ёритиб бериладиган "ОИВ инфекциясининг юқиш йўллари" мавзуси доирасида ўқувчи-ёшларга ОИВ инфекциясининг юқиш йўллари, инфекцияни юқтириб олган оила аъзолари ёки яқин инсонлар билан қандай муносабатда бўлиш, ёнма-ён яшаганда нималарга эътибор бериш кераклиги, уларни қўллаб-қувватлаш, қолаверса, бу касалликдан ҳимояланиш турлари, воситалари борасида тушунчалар бериб ўтдик, — дейди вилоят "ОИТСга қарши кураш маркази" шифокори Дилафрўз Сатторова.

— Гуруҳимиз машғулотида "Йўқ" дейишни ўрган!" мавзуси "Тўғри йўлни танла!" шиори доирасида таҳлил этилди. Унда ўқувчилар турли визуал воситалар орқали ёритиб берилган мавзуларда бахслашишди, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Бухоро филиали бўлим мудири Осиё Мирзаева. — Қатнашчилар ўсмир йигитнинг қандай қилиб ОИТС хасталигини юқтириб олганлиги ҳақидаги ибратли ҳикоя тасвирланган суратларни тартибга солиб, янги ҳикоя тузишди. Суратларда берилган тасвирга кўра, қаерда ва қайси ҳолда қаҳрамон "Йўқ", дея олганида, орқага қайтганида шу касалликка чалинмаслиги мумкинлигини муҳокама қилишди. Ўйлайманки, бу интерфаол усул ўқувчилар онгига чуқур сингди. Ва эндиликда, улар зарур пайтларда "Йўқ" дея билиш кўникмасига эга бўлишди.

Тренинг давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,
Бухоро вилоят Кенгаши матбуот котиби

➢ Тадбир

Юрт тинчлиги ва мустақиллигимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифа. Бу борада жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш, эришаётган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш ва юрт келажагига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз катта аҳамиятга эга.

Огоҳ одам — қил одам

Ўзбекистон «Адолат» СДП Булоқбоши туман кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида Булоқбоши туманидаги иқтисодиёт ва енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўтказилган "Огоҳ одам — оқил одам» номли тадбир айни шу мавзуга бағишланди.

Иштирокчилар истиқлол йилларида халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлар, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб, нуфузи ортиб бораётгани ҳақида батафсил сўз юритдилар. Сиёсатшунослар томонидан мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт йўли ва халқаро ҳаёт юзасидан ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

— Давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, Ўзбекистоннинг йилдан-йилга ривожланиб бораётгани ва амалга оширилаётган ислоҳотларни кўрсатиш билан юртдошларимизни огоҳ яшашга, фуқаролик масъулиятини оширишга эришиш мумкин, — дейди Булоқбоши туман партия кенгаши раиси Абдумаҳмуд Ғозиев. — Айни шу мақсадда партия фаоллари томонидан тарғибот тадбирлари изчил олиб борилаяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар, хусусан, ёшларнинг маънавий иммунитетини кучайтириши билан аҳамиятлидир.

Тадбир якунида "Сўқирнинг пушаймони" фильми намойиш этилди. Ундан хулоса чиқарган ёшлар доимо огоҳ бўлиб яшашга, юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларга жавобан ўз фаолликларини оширишга қатъий интилишларини таъкидладилар.

Акбаржон НАЗАРОВ,
«Adolat» мухбири

Масъулиятимиз янада ошди

➢ 2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Она қувончи, аёл кўнглидаги бахтиёрлик фарзанди бахтидан пайдо бўлиши барчамизга аён. Бу ҳаёт ҳақиқати болажон халқимизнинг азалий қадриятларида ҳам мужассам бўлиб келгани бежиз эмас.



Асосий қонунимизнинг "Оила" номли XIV боби, 65-моддасида "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб мустаҳкамлаб қўйилганлиги мамлакатимизда ўниб-ўсаётган ёш авлоднинг нечоғлик бахтли ва фаровон ҳаёт эгаси эканлигини яққол англатади.

Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши ҳам болалар шифокори, ҳам халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида зиммамга катта масъулият юклайди.

Ҳар бир ишга шиддат ва ғайрат билан киришишга ундовчи маслакдошларим, вилоят "Она ва бола" скрининг маркази қошидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич партия ташкилоти аъзолари билан биргаликда аёллар ва болалар соғлиғини таъминлаш борасида астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Марказ ходимлари томонидан вилоятда соғлом болани вояга етказиш, болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни эрта аниклашга доир катор ишлар олиб борилмоқда. Марказимиз фаолияти профилактик даволашга йўналтирилган бўлиб, болаликдан туғма ногиронликнинг олдини олиш, янги туғилган чақалоқларда ва ҳомиладор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш, уларга самарали чора-тадбирларни қўллаш, ахолига генетик маслаҳатлар бериш асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Хусусан, 2015 йил давомида вилоят бўйича 2940 нафар ҳомиладор аёл АФП/ХГ ва 42 эстриолга текширилди, таҳлил натижаларига кўра улардан айримлари акушерлик ва экстрагенитал патология бўйича даволанишга юборилиб, соғломлаштирилди.

Профилактик тадбирлар туфайли чақалоқларнинг нуксонли туғилиш ҳолатлари камайиб бормоқда. Неонатал скрининг, яъни чақалоқларнинг модда алмашинуви (туғма гипотириоз ва фенилкетонурия) касалликлари юзасидан текширувдан ўтказиб турилади. 2015 йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларида ўтказилган "Саломатлик хафталиги" давомида 1152 нафар ҳомиладор аёл УТТ текширувдан ўтказилиб, натижалар марказда таҳлил этилди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, мутахассисларимиз томонидан аниқланган касалликларни даволаш учун дори-дармон ва зарур воситалар етарлича.

Албатта, профилактик тадбирлар самараси ахолининг тиббий маданиятини ошириш билан узвий боғлиқдир. Шу мақсадда 14 туман ва чегара ҳудудларида 2015 йилда 2239 та анжуман, семинарлар ва очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Шу билан биргаликда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатларини ёшларга кенг тушунтиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилаяпти.

Депутатлик фаолиятим давомида одамларнинг ишончини оқлаш кишининг ўзига бўлган ишончини ҳам кучайтиришини янада чуқурроқ англаб етдим. Якунланган йилда шаҳардаги 54 та маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги, ёшларнинг ҳар томонлама етук тарбияланиши масалаларини қамраб олган ҳолда маҳалла фуқаролари йиғинлари билан ҳамкорликда олиб борилган тарғибот ишлари самарали бўлмоқда. Сайловчилар манфаатларини кўзлаб давлат органлари, мансабдор шахслар номига юборилган 40 дан ортиқ депутатлик сўровларининг деярли барчаси ижобий ечимини топди.

Хусусан, Марғилон шаҳар болалар шифохонасини муқобил энергия манбаси билан таъминлаш масаласида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юборилган депутатлик сўрови натижасида айни пайтда мазкур шифохонада муқобил энергия манбасидан унумли фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, оналар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилишнинг ҳар томонлама кенг имконлари бор, шу эзгу мақсаддаги ҳар бир саъй-ҳаракатларимиз, албатта, қўллаб-қувватланади. Бинобарин, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодирдир.

Манзура САЛИМОВА,
Фарғона вилоят "Она ва бола" скрининг маркази директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Бандликни таъминлашда

ижтимоий ҳамкорлик самаралари

Сирдарё вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати марказида Ўзбекистон "Адолат" СДП Гулистон шаҳар кенгаши ташкилотчилигида "Хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда сиёсий партиялар ва тижорат банклари ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Марказий банкнинг Сирдарё вилоят бошқармаси мутахассислари, партия фаоллари, "Ёш адолатчилар" қаноти, бошланғич партия ташкилотлари аъзолари иштирок этишди. Тадбирни Гулистон шаҳар партия кенгаши раиси Бекзод Абдуллаев олиб борди.

— "Аёллар қаноти" томонидан тарғибот тадбирлари орқали хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда тиббий маданиятини ошириш юзасидан муҳим ишлар олиб борилмоқда, — деди Б.Абдуллаев. — Партиямизнинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, айниқса, олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган, лекин қўлида ҳунари бор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз ҳунари асосида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишларига ёрдам кўрсатиш доимий эътиборимизда бўлиб келмоқда.

— 2014 йилда Сирдарё вилоятидаги тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан мингдан ортиқ тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 18 миллиард 319 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди, — деди Марказий банкнинг Сирдарё вилоят бошқармаси Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш бўлими мутахассиси Аброр Холдоров. — 2015 йилда бу кўрсаткич 131,8 фоизга ошган. Яъни, бир минг уч юздан ортиқ аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 24 миллиард 137 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Шуҳратжон ҲАСАНОВ,
Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Бугуннинг болалари

ўз истеъдодлари билан бизни ҳайратга солмоқда

➢ 2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Оила — муқаддас даргоҳ. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда унинг ўрни беқиёс. Зеро, жамиятнинг негизи ҳисобланмиш бу даргоҳда келажак улғаяди, эртанги кунимиз эгалари — ёш авлод камол топади.

ЎзА олган сурат

Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб аталишида ҳам мамлакатимизда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилаларда азалдан қадрлаб келинаётган анъана ва урф-одатлар, юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва соғлом фарзандни вояга етказишдек хайрли мақсадлар мужассам.

— Истиқлол йилларида она ва бола саломатлигининг уйғун тарзда кун тартибига чиқарилгани, мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида камол топишига хизмат қилмоқда, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бўлим мудири Зиёда Ғаффорова. — Зеро, "Соғлом она ва бола йили" миллат олдига бир қатор вазифаларни қўяди. Сабаби, бугун сочлари қўнғироқ, эркатой қизча эртага она бўлади. Ўйинқароқ болажон эртага оила бошқаради, оиласини, ўз якинларини, юртини муҳофаза қилади. Бола зукко, билимдон, ақл-идрокли, юксак тафаккур соҳиби бўлиши учун она маънавиятли бўлиши, кўп китоб ўқимоғи, теран мушоҳада юритмоғи, шу билан бирга, фаҳм-фаросатли, ақлли ва идрокли бўлиши лозим. Аждодлар мероси, қадриятларини чуқур англаган, етарлича ўзлаштирган маънавий соғлом онагина фарзандини худди шу рухда тарбиялай олади. Зотан, жисмоний ва маънавий соғлом она ва бола юрт тараққиёти, миллат равнақининг муҳим омилидир. Фарзандлар саломатлиги давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётгани моҳиятида ҳам айни шу ҳаётий ҳақиқат мавжуд десак, асло янглишмаймиз.

Дарҳақиқат, энг эзгу умидлар, миллий қадриятларимизнинг асоси бўлган аҳиллик, тотувлик, ўзаро муносабатлардаги соф инсоний сифатлар биз учун муқаддас даргоҳ бўлмиш оилада шакллланади. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила қадр-қиммати янада юксалиб, ҳаётимизнинг чинакам маънавият таянчига айланди. Унинг мавкеини юксалтириш, янги оилаларда, аввало, соғлом муҳитни яратиш эса давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

— Ёш ўғил-қизларни оила қуришга тайёрлаш биз — ота-оналарнинг асосий вазифаларимизлан бири саналади, — дейди Миробод туман ФХДЁ бўлими ходими Зулфия Ҳамидова. — Юртимизда ҳар бир ота-она ёшларнинг оила борасидаги билим ва кўникмаларини ошириши, сўнгра никоҳга рози бўлиш ҳолатлари ҳам анъанавий удумга айланган. Ҳозирда соғлом оила — келажак пойдевори, айни шу мақсадда янги турмуш қураётган оилани шакллантиришда тиббиёт тизими ва ФХДЁ бўлимлари ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилаётганида ҳам юртимизда оилаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасини кўриш мумкин. Бу, ўз навбатида, оилаларда — эр-хотин, ота-оналар ва болалар, қайнона ва келинлар, қўшнилар ўртасида соғлом маънавий муҳитни яратиш, мамлакатимизда она ва бола саломатлиги мустаҳкамланишини таъминлашга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, юртимизда хотин-қизлар, оилалар ва ёш авлод вакиллари учун имкониятлар эшиги кенг очилган, аёллар ва ёшларнинг саломатлиги, баркамол вояга етиши, иш билан таъминланаётгани, бахту саодати, оилалар мустаҳкамлиги ҳамиша ҳукуматимиз эътиборида. Айни вақтда барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида таълим-тарбия олаётган ёшларнинг аксариятини қизлар ташкил этаётгани, айниқса, қувонарли ҳол. Чунончи, хотин-қизларнинг саломатлиги нафақат уларнинг ўзлари учун, балки улар дунёга келтирадиган фарзандлар учун ҳам ғоят муҳим.

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор, ёшларга оид давлат сиёсати халқимиз қалбидан чуқур жой олиб келмоқда. Асосийси, бу борадаги ислоҳотларнинг тамал тоши мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ қўйилган. Бугун юртимиздаги қай бир одамдан энг олий мақсадингиз нима деб сўрасангиз, болаларимнинг бахту саодати, камолини кўриш, деб жавоб беради.

— Бугунги ёшларимиз нафақат мамлакат ҳаётини, балки унинг эртанги тақдирини, тинчлиги ва осойишталигини ҳал қилувчи етук шахс бўлиб вояга етмоқда, — дейди олий тоифали гинеколог Нигора Бердиева. — Юртимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар эса ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Асосийси, Ватан келажаги — ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом вояга етказиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар қўплаб хорижий давлатлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Барча соҳалар сингари соғлиқни сақлаш йўналишида йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам бунга мисол бўла олади. Мисол учун, ҳозирда республикамизда "туғма юрак нуқсони" ташхиси қўйилган бемор болалар хорижий давлатларнинг тиббиёт муассасаларида саломатликларини тиклаб қайтишмоқда. Бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, камолотида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги ёшларимиз соғлиғи, фикрлаши, харакатлари, гап-сўзлари, қобилияти ва ютуклари билан бизни ҳайратга солмоқда. Бугун ўғил-қизларимизнинг ҳали мактабга бормасдан компьютерни мустақил билиши, инглиз тилида бемалол гапира олиши кўпчилигимизни қувонтирмоқда, ҳавасимизни келтирмоқда.

Дарҳақиқат, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, катта ҳаётга қадам қўяётган ўғил-қизларнинг етарлича билим олиши, оила қуришдан аввал тиббий кўрикдан ўтиши билан боғлиқ масалалар барчамизнинг эътиборимизда бўлиши лозим. Зеро, она ва бола соғлом бўлса оила бахтли, оила бахтли бўлса жамият мустаҳкамдир.

Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ,
журналист

➢ Танлов

Жиззах шаҳрида "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари қатнашди.

МАҲАЛЛАНИНГ ТАЯНЧЛАРИ

Ғолибларни аниклашда милиция таянч пунктларининг хизмат кўрсатиш ҳудудидаги вазият, профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини ва аҳоли билан ҳамкорлиги, билим ва тажрибаси, вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Арнасой тумани "Бобур" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 47-милиция таянч пункти энг намунали деб топилди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Пахтакор тумани "Тошкент" маҳалласидаги 145-, Жиззах туманидаги "Қўшбармоқ" маҳалласида жойлашган 38-милиция таянч пунктлари 2-, 3-ўринларга сазовор бўлишди.

— Маҳалламизда 2800 нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади, — дейди танлов ғолиби 47-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Шуҳрат Пардаев. — Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун аниқ режалар асосида маҳалла раиси, котиби, маслаҳатчилар, фаоллар билан баҳамжиҳатликда ишлаяпмиз. Маҳалла ҳудудида ёшларнинг бўш вактини мазмунли ўтказиши учун етарли шароитлар яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу мақсадда волейбол ва баскетбол майдончалари қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилди. Маҳалла гузарида болалар майдончаси ташкил этилди. Хуллас, маҳалла аҳли тинч-тотув ҳаёт кечираяпти.

Танловда "Энг маҳоратли профилактика инспектори", "Энг обод ва осойишта маҳалла раиси", "Фидойи маҳалла посбони", "Маърифатпарвар маслаҳатчи", "Адолатли яраштириш комиссияси", "Баркамол авлод етакчиси" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Adolat" мухбири

➢ Мулоҳаза учун мавзу

Қўшнимиз Матлуба хола кўзига ёш олиб кириб келди. Чамаси бирон нохуш воқеа юз бериб қаттиқ асабийлашган, "Кийим-кечак учун шунчаликми?" дея битта саволни кетма-кет такрорлаб, ундан нарига ўтолмайди. Бунақа пайтда хавотирланмаса бўлмайди.

"Яхши либос танга оройиш..."



Ахир қўни-қўшничилик муносабатларида бир-биридан ҳол-аҳвол сўраш, керак пайтда ёрдам кўрсатиш, меҳр-оқибатли бўлиш, муаммо туғилса, уни бамаслаҳат ҳал этиш лозим. Холани ўтқазиб, бир пиёла чой узатдик. Шундан сўнг ортиқча мулозаматга ўрин қолмади. Иссиқ чойни ичиб, Матлуба хола анча тинчланди. Бироз хижолат тортиб, гап нимада эканини тушунтира бошлади. Коллежда таҳсил олаётган қизи бугун "ўқишга бормайман", деб туриб олибди. Бунга сабаб, бирга ўқийдиган тўрт-беш тенгдоши орқаворотдан унга "Ипподромчи" деб лақаб қўйиб олган эмиш.

Қизиқ, Матлуба хола болалар боғчасида фаррош бўлиб ишласа, эри Турсунбой ака автобус ҳайдовчиси... Катта қизлари турмушга чиққан. Ўғли ҳали мактабда ўқийди. Демак, ушбу оиланинг бозорга алоқаси йўқлиги кундай равшан. У ҳолда...

— Э, қўшни соддалигингизга борасиз-да, — деди хола синиқ жилмайиб, — ҳозир айрим ёшларнинг тили билан айтганда, бу Чилонзор буюм бозорида савдо-сотиқ қилишни эмас, қизимнинг эгнидаги кийимлари ўша бозордан олинганини билдиради. Хабарингиз бор, яқинда қиз чиқардик. Тўй қилишнинг ҳам ўзи бўлмас экан. Йиққан-терганимизни сарфладик. Майли, фарзандларимизнинг келажаги, бахту иқболи учун қўлдан келганини қиламиз. Лекин одам дегани кўрпасига қараб оёқ узатиши ҳам керак-да. Очиғи, кенжа қизимизни бугун айрим ёшларимиз орасида урфга айланаётган "бутик"лардан кийинтириб қўйишга қурбимиз етмайди. Эгни бутмибут. Кийим-кечаклари бўй-бастига ярашиқли. Демак, "бутик"ка зарурат йўқ. Ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилаётган либослар ҳам четникидан сира қолишмайди. Чиройли, бежирим, сифатли, нархи ҳам ҳамёнбоп. Энг кераклиси, табиий толадан тайёрланган матодан тикилаяпти. Бу соғлиқ учун ҳам фойдали ахир. Аммо шунга қарамасдан, "бутик"ка, фирма махсус дўконларига интилаётган айрим ёшларни, уларнинг ота-оналарини ҳеч ам тушунолмайман. Қўшни, агар гапим ноўрин бўлса айтинг?

Қўшни холанинг сўзларини маъқуллаб, гапни ҳазилга буриш илинжида "Келинлар қўзғолони" комедиясидаги кўпчиликка маълум иборани тилга олдим:

— "Одамларга ҳайронман, хўрозқандни ҳам чет элники бўлса ялайман, дейди"...

— Чиндан ҳам Фармонбиби шу гапни хўп топиб айтганда — деди Матлуба хола кулиб.

Гарчи сухбатимиз кулгига уланиб кетган бўлса-да, тенгдошларига эгнидаги кийими қайси давлатда, қандай фирма ёрлиғи остида ишлаб чиқарилганига қараб баҳо берадиган ва шу тарика уларни ўзича маълум тоифага ажратадиган ёшлар пайдо бўлаётгани кишини ўйлантиради. Нима бу, тўқликка шўхликми? Ёки ўзгаларни камситиш усулими?

Аслида, қандай кийиниш ҳар кимнинг шахсий иши. Лекин бу фарзандларимиз соғлиғи, одоб-ахлоқи, қоларверса, миллий маънавиятимиз билан ҳам боғлиқ экан, асло бефарқ қараб бўлмайди. Мутахассислар ҳар мавсумда ўзгарувчан мода анъаналарига эмас, балки инсоннинг ички ва ташқи дунёси, қомати ва феъл-атворига қараб кийим танлашни маслаҳат беришади. Психологларнинг фикрича, кийим рангининг тўғри танланиши инсон руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Нотўғри танланган кийим эса инсонда ўзига нисбатан ишончсизлик ҳиссини уйғотиши мумкин. Баъзилар қимматбаҳо кийимларни юқори дид белгиси, деб ҳисоблайди. "Тенгдошларинг бозор ва дўконлардан арзон-гаров кийимларни олиб кияётган бўлса, мен сени "бутик"дан кийинтириб қўйибман", деб фарзандига писанда қиладиган ота-оналар ҳам учраб туради. Бу бошқалардан ажралиб туришга интилиш, ота-онасининг бойлиги ортидан манманликка берилиш, калондимоғлик каби иллатларни келтириб чиқариши мумкин. Энг ёмони, бундай ҳоллар ўқувчилар ўртасида ижтимоий тенглик мезонларига ҳам путур етказиб, ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир қилади. Ўқувчилар учун мактаб формалари жорий этилишига ҳам юқоридаги каби ҳолатлар сабаб бўлганлигини назарда тутсак, масала янада ойдинлашади.

Маълумки, кийим-кечак кунда-кунора харид қилинадиган махсулот бўлмагани учун узоқ муддат ўз ранги ва сифатини йўқотмаслиги даркор. Шу боис бозор расталаридан кўра, фирмаларнинг махсус дўконларидаги буюмлар ишонарли, деган тушунча мавжуд. Кийим-кечак сотиб олаётганда унинг маркаси ва штрих кодидан ташқари, махсулотнинг сифатли ёки сифатсиз эканини фарқлаш учун бир қатор жиҳатларга эътибор бериш лозим. Одатда, кўпчилик брендга қараб кийимнинг сифатли эканига ишонч ҳосил қилади. Афсуски, на машҳур бренд, на шунга яраша қўйилган нарх кийимнинг сифатига кафолат бўла олмас экан.

— Яқинда махсус дўкондан таниқли бренд ёрлиғи остидаги костюм-шимни қиммат нархга сотиб олдим, — дейди бир танишим. — Материалига ҳам, сифати, фасонига ҳам бирон эътирозим йўқ. Аммо кейин билсам, бу костюм чет элда эмас, ўзимизда ишлаб чиқарилган экан. Мен уни асл баҳосидан беш баравар қиммат харид қилибман. Мана шуниси одамга алам қилади...

Яна бир гап, маълум турдаги брендли маҳсулотнинг харидоргирлигидан фойдаланиб, мўмайгина даромад олиш илинжида унинг қалбаки нусхасини тайёрлаб бозору дўконларга чиқараётган "уддабурон"лар учрашидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, қалбаки маҳсулотлар "бутик"лар ва фирма махсус дўконлари пештахталарида "пайдо" бўлиб қолиши мумкинлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак.

Албатта, ўзимиз ва яқинларимиз учун сифатли кийим-кечакларни харид қилишни истаймиз. Бироқ сотувчи "чет элники" деганига ёки бренд ёрлиғига ишониб, алданиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг шундай байти бор:
Яхши сухан жонга оройиш,
Яхши либос танга оройиш.
Демак, кийим инсоннинг соғлиғига, керак бўлса, маънавиятига ҳам таъсир қилишини асло эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Жўрабек ЖЎРАЕВ,
Вобкент тумани агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

ИСТЕЪМОЛЧИ ДОИМО ҲАҚ

➤Ижтимоий ҳамкоримиз фаолиятидан

...Қўқонлик Илҳомжон ака янги музлатгич сотиб олишга қарор қилди. Аёлининг жон қуйдирганича бор-да. Ёзнинг жазирама кунларида гўшт, сут, ошовқатларни бир ишлаб, бир ишламай қолаётган эски музлатгичда сақлаб бўлармиди? Маҳалладаги Коля акаям, ундан эпчилроқ усталариям буни таъмирлаш янгисидан қимматга тушишини айтишди. Илҳомжон ака шаҳардаги дўконларни айланиб кўрди, ниҳоят ўзига маъқул нарх ва шартларда уч йиллик кафолат муддати билан хорижнинг манаман деган номдор фирмасида ишлаб чиқарилган музлатгични кредитга олди.

Хорижники, сифатли, узоқ хизмат қилади, деб ўйлаган Илҳомжон ака адашганини кейин тушунди. Бир ой ҳам бўлмай, товарда нуқсон борлиги егуликлар тез фурсатда айниб қолаётганидан сезилди. Шунда харидор сотувчининг йўл-йўриғи билан фирманинг шаҳардаги сервис хизматига борди. Бироқ у ерда таъмирланган буюм яна носоз ахволга келаверди. Шунда Илҳомжон ака сотувчидан маҳсулотни қайтиб олиш ва кредит расмийлаштирилганида тўланган бошланғич маблағни қайтариб беришларини сўради. Бироқ сотувчи "бунинг ичига кириб чиқмаган"и, маҳсулотнинг сифатига жавоб беролмаслиги, айниқса, таъмирдан чиққан маҳсулотни ҳеч кимга сота олмаслигини маълум қилди... Шундан сўнг қаҳрамонимиз Қўқон шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассисларига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Истеъмолчининг мурожаати тегишли тартибда ўрганиб чиқилди ва Илҳомжоннинг талаби қондирилди.

Биз бу воқеага нега алоҳида тўхталдик? Гап шундаки, биргина юқоридаги мисол орқали мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили самарали татбиқ этилаётганини Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг асосий ҳамкорларидан бири бўлмиш Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг мақсад ва вазифаси моҳиятан Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Хусусан, жамиятда адолат тамойиллари бузилишига йўл қўймаслик, истеъмолчи, яъни фуқароларни сифатсиз маҳсулот ёки хизматдан ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш ҳар иккала жамоат ташкилотини умумлаштириб турувчи устувор мақсад десак, муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам, мана бир неча йилдирки, партия ҳамда федерация ҳамкорлигида жойларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчиликни тарғиб қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир турли хил маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, ўқув-амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида, маҳаллий ҳокимиятларда ўтказилиб, унда маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш, тиббий хизматлар, почта ва телефон алоқалари, транспорт, газ, электр энергияси, сув таъминоти корхона ва ташкилотлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати таҳлил этилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, федерация нафақат сиёсий партиялар билан, балки фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ташкилотлари билан изчил ҳамкорликда фаолият юритаётир.

2015 йилда федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари – қонун ҳимоясида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти", "Ёшларнинг ҳуқуқий онгини, истеъмол маданиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларнинг ўрни", "Истеъмолчилар ҳуқуқлари – ҳамиша ҳимояда", "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар: ютуқлар ва муаммолар", "Истеъмолчи ҳуқуқи кафолатланган", "Истеъмолчи ким?", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" каби мавзуларда 1500 дан ортиқ ўқув семинарлари ҳамда 4 мингдан зиёд давра суҳбатлари ташкил этилди.

Юртимиздаги таълим муассасаларида ўтказиб келинаётган "Истеъмол маданияти ва ёшлар", "Истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларининг Конституцияда мустаҳкамланиши", "Ҳуқуқий билим муаммо ечимининг калитидир", "Қонунни билиш — келажак истиқболни қуриш" мавзуларидаги давра суҳбатлари, "Мен – ёш истеъмолчиман", "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи" сингари танловлар доимо янгиликка интилувчан, ўзининг мустақил ва мустаҳкам фуқаролик позициясига эга, билимли ёшларимизнинг қизғин баҳс-мунозаралари, савол-жавобларига бой бўлади.

Айниқса, ёшларнинг мазкур жамоат ташкилотига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили натижалари билан қизиқиши аҳамиятлидир.

— Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ўзаро келишув асосида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилишни самарали ташкил этиш мақсадида ўтган йилдан бошлаб 1091 қисқа рақамли "Ишонч телефони" фаолияти йўлга қўйилди, — дейди федерация раиси ўринбосари — ижрочи директори Нодирбек Юсупов. — Ушбу "Ишонч телефонлари"га келиб тушаётган, шунингдек, ёзма, электрон ва оғзаки мурожаатлар тегишли тартибда қайд қилиниб, ижро учун ҳудудий бирлашмалар ва тегишли назорат органларига юборилади, шунингдек, мурожаатчиларга амалдаги қонунчиликка асосан ваколат доирасида тушунтириш ва маслаҳатлар бериб борилиши таъминланмоқда. 2015 йилда федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда туман (шаҳар) жамиятларига истеъмолчилардан жами 7501 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 6932 таси, яъни 92,4 фоизи тегишли давлат ташкилотлари, назорат ва суд органлари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилиши натижасида жами 2 970 210,3 минг сўм етказилган зарар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Федерация вакилининг маълумотига кўра, 2015 йилда мурожаатларнинг катта қисми табиий газ ва электр таъминоти, савдо, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли бўлган. Шунингдек, алоқа, сув таъминоти, транспорт, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги хизматлар сифати юзасидан тушган шикоят ва таклифлар ҳам мурожаатларнинг асосий қисмини ташкил этади.

— Айниқса, фуқароларнинг тўлов топшириқномасидаги маълумотлар айрим табиий газ, электр, сув таъминоти корхоналарининг маълумотлар базасида ўз вақтида акс эттирилмаслиги туфайли уларнинг зиммасида асоссиз равишда қарздорликлар юзага келаётгани юзасидан кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. — дея сўзини давом эттирди Н.Юсупов биз билан суҳбатда. — Истеъмолчиларнинг бу борадаги мурожаатлари федерация ва унинг тузилмалари вакиллари томонидан тегишли ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганилиб, сунъий қарздорликлар бекор қилинишига эришилмоқда. Тез-тез такрорланаётган бу каби камчиликларни бартараф этиш, олдини олиш мақсадида аҳоли ва таъминотчи корхоналар билан суҳбатлар, учрашувлар ташкиллаштирилаяпти. Шу ўринда жойларда бу борадаги масалаларни батафсил ўрганиб, йўл қўйилаётган камчилик ва хатоликларнинг олдини олиш масаласида маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим.

Суҳбатдошимизнинг фикрича, айни пайтда таъминотчи корхоналар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, барча фуқаролар онлайн режим вақтида маълумотлар базасининг электрон шакли билан танишиш имкониятини тақдим этувчи замонавий механизмларни ишга тушириш, мавжудларини ривожлантириш вақти аллақачон келган.

Дарҳақиқат, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга бел боғлаган мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти вакилининг гапида жон бор. Бинобарин, бошқарувда ошкоралик, очиклик ва ҳисобот бериб бориш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этишни Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида белгилаб қўйилганлиги аҳамиятлидир.

Хулоса шуки, истеъмолчиларнинг ҳуқуқини муҳофаза этишга оид қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан, бу борада юзага келаётган камчиликларнинг ечимига доир конструктив таклифларни тайёрлаш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг устувор вазифаларидан бўлиб қолади. Ўйлаймизки, истеъмолчилар, яъни партия электорати, хайрихоҳи, фаоли, умуман, фуқароларнинг манфаатларини бундан-да самарали ҳимоя қилишда партиямиз федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари билан ҳамкорликни янада кучайтиради.

Саодат ЖАББОРОВА,
"Adolat" мухбири

? Ҳуқуқий маслаҳатхона

— Иккинчи гуруҳ ногирони бўлганим учун мол-мулк солиғидан озод этилгандим. Аммо ўтган йилдан бошлаб, ногиронлигингиз бўлса ҳам мол-мулк солиғининг маълум фоизини тўлашингиз лозим, дейишди. Айтганларидай тўладим ҳам. Лекин тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи квитанцияни тополмаяпман. Шуни деб бу йилги мол-мулк солиғини ҳам қўшиб тўлайсиз, дейишяпти. Ахир мен квитанцияни йўқотиб қўйган бўлсам ҳам солиқ идорасининг бухгалтериясида тўлов қайдлари сақланиб қолмайдими? Шу масалага ойдинлик киритишда ёрдам берсангиз.

Дилбар Солиходжаева, Тошкент шаҳри

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 275-моддасига мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронларининг тасарруфида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар қисман, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами (60 кв.метр) доирасида берилади.

Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

Солиқларни тўлаш ҳар бир туман (шаҳар)лардаги хизмат кўрсатувчи банклар орқали амалга оширилади. Амалга оширилган ҳар бир тўлов қайдлари хизмат кўрсатувчи банкларнинг бухгалтериясида ҳамда электрон кўринишдаги тасдиқловчи ҳужжати туман солиқ инспекцияларида сақланиб қолади.

Мазкур масалага ойдинлик киритиш мақсадида, аввал тўловни амалга оширган банкка, кейин эса туман солиқ инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

Равшан НАСИМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари

— Биламизки, давлатнинг энг катта бойлиги — бу халқнинг саломатлиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғломлигидир. Шундай экан, аҳоли соғлиғини янада мустаҳкамлашдек эзгу ишга давлат органлари билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиши табиий. Бу борада юртимизда олиб борилаётган ишлар билан таништирсангиз.

Тамара Ҳасанова, Тошкент вилояти

— Албатта, соғлом авлодни тарбиялашда давлат органлари билан бир қаторда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳам ўрни беқиёс. Хусусан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси мисолида кўрадиган бўлсак, унинг жисмонан соғлом, маънан етук, руҳан тетик фарзандлар тарбиялашни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, оилаларда соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият туйғуларини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат улкан мақсад ва вазифалари мазкур жамғарманинг юртимизда амалга оширилаётган эзгу ислоҳотларга камарбаста эканлигидан далолатдир.

"Сен ёлғиз эмассан" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси 2002 йил ноябрда ота-она қаромоғисиз қолган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

Боқувчисиз қолган болалар учун мўлжалланган муссасалар билан ишлаш жамғарма фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Республикамиздаги 25 та "Меҳрибонлик уйи", 13 та "Гўдаклар уйи", 3 та болалар шаҳарчалари ва 88 та ихтисослаштирилган интернат тарбияланувчилари шулар жумласидандир.

Ўтган давр мобайнида "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни ҳимоя қилиш тизимига ҳисса қўшиб, ота-она қарамоғисиз қолган ва имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган давлат сиёсатини шакллантиришда иштирок этиб келмоқда. Жамғарма фаолияти ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган ташаббусларни рағбатлантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ота-она меҳрининг етишмаслиги оқибатида вужудга келган болалар муаммоларини ҳал этишда, руҳий уйғунликни, ҳаётга ва ўзларига бўлган ишончни қўлга киритишларида жамғарма болалар учун суянч бўлишга интилмоқда. Ота-она меҳридан бебаҳра қолган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланишида, касб танлашда кўмак бериш, психологик ёрдам кўрсатиш, мустақил ҳаётда ёрдам бериш ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш жамғарма фаолиятида асосий ўрин эгаллайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки, жамғарма фаолияти давомида минг нафардан ортиқ "Меҳрибонлик уйи" битирувчиларига уй олишда кўмаклашганлиги, уларнинг ўз турар жойларида яшаш ҳуқуқи тикланганлиги каби хайрли ишлари тақдир зарбасига учраган болалар учун моддий ва маънавий суянч бўлиш баробарида, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида шу муқаддас заминга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Гулбаҳор ФАКИРОВА,
Тошкент вилояти Янгийўл тумани ДНИ нотариуси

Тиллага қўйилган тузоққа фирибгарларнинг ўзлари тушишди

➤Жиноятга жазо муқаррар

Ҳаёт ташвишлари кимни четлаб ўтмайди, дейсиз. Бола тарбияси, рўзғор юмушлари гоҳида аёл гарданига оғирлик қилади. Баъзан кўнглинг тўлиб, кимгадир юрагингдагиларни тўкиб солгинг келади. Солия ая ҳам ўша куни шундай ҳолатда эди. Дарвоза олдидаги ўриндиқда ўтирганча, ҳаёл сураркан, ногаҳон эшитилган бегона овоздан сергак тортди...

— Опа, яхшимисиз? Хомуш ўтирибсиз, оғрим шу томонга тортаверди-да ўзи. Кўнглим сезди бир гап борлигини. Келинг, фол очиб берай, ромда кўринади ҳаммаси...

Лўли аёл бир ёнидаги ҳамроҳига, бир Солия аяга қараб, гапиришдан тўхтамасди.

"Кел, мендан нима кетди, фол очтирсам очтира қолай", дея розилик билдирди аёл.

Елкасидаги хуржунини ерга қўйиб, ўриндиққа ўтирган лўли аёллардан бири аянинг кафтларига қараб фол очишни бошлади.

— Оилангизда жанжал бўлаётган экан. Сизларни кўролмайдиганлар иссиқ-совуқ қилишган. Оиласининг тинчи бузилсин, дейишган-да. Яқин одамингиздан ҳам айрилибсиз. Кўп сиқилманг, опа... — дея бидирлаётган лўли аёл қутилмаганда Солия аянинг бармоқлардаги узукларга қараб, — қўлингиздаги узуклар тилла эмас, опа. Мисдан ясалган улар. Қаердан олгандингиз, — деб сўраб қолди.

Солия аянинг кўнглига хавотир оралади.

— Йўғ-а, тилладан ясалган. Анча бўлди сотиб олганимга.

— Сотиб олаётганингизда текширтириб кўрганмидингиз? Тилла эмас, опа. Келинг, узукларни менга беринг. Ҳозир текшириб бераман. Аниқ билиб оласиз...

Кўнглига шубҳа оралаган Солия ая аёлнинг қўлига узукларни тутқазди. Иккинчи лўли эса хуржунидан кичик идишлардаги суюқликларни олди. Узуклар устига бир-икки томчи томизиб кўришди. Суюқлик теккан жой қизариб, қорайиб қолди.

Солия аянинг ранги ўчди. Уларга эса жон кирди.

— Мана, опа, айтмаганмидим тилла эмас деб. Сизни алдаб сотишган. Яна бошқа тақинчоқларингиз ҳам борми? Олиб чиқинг, уларни ҳам текшириб берамиз.

Солия ая бошқа тилла тақинчоқларини ҳам уйдан олиб чиқиб, уларнинг қўлига тутқазди. Занжир, зирак ва бошқа тилла буюмлар ҳам "заргар"ларнинг текширувидан сўнг қорайиб қолди.

— Ҳаммаси қалбаки экан, опа. Сизни алдашибди. Эссиз, опа, анча пулга олгандирсиз ҳали буларни...

Аёл кишининг зебу зийнатга ўчлиги рост. Тилла деб тақиб юрган тақинчоқлари мис бўлиб чиққанидан каловланиб қолган Солия Маткаримова (*мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган*) нима қилишни ҳам, нима дейишни ҳам билмай қолди. Ана шу вазиятдан фойдаланган фирибгарлар мақсадга ўтишди:

— Сизга бир ёрдам қилайлик, опа. Келинг, бу тақинчоқларингизни бизга бериб юборинг. Ўзимиз зарга

рга кўрсатиб, бошқатдан ясаттириб олиб келиб берамиз. Унгача сиз буларни тақиб туринг, — дея қулоғидаги зирак билан қўлидаги узугини Солия аяга узатди улардан бири. – Роппа-роса ўн кундан кейин олиб келиб берамиз. Кейин мана бу тилла тақинчоқларимизни қайтариб берасиз.

Қуюқ хайрлашиб, катта ваъдалар бериб кетган фирибгарлар 3 850 000 сўмлик тақинчоқларни олиб кетганича, "Қиёт" қишлоғининг "Ойдин" маҳалласига бошқа қайтиб келишмади.

НАВБАТДАГИ "ОВ"

Осонгина даромад топиш кимга ҳам ёқмайди. Тағин содда аёлларни чув тушириб, уларнинг ишончига кириб, буюмларига эга бўлиш наманганлик Дилафрўз Орзиева ҳамда Хуршида Сангинова учун осон иш бўлиб қолди. Қинғир қилмишлари учун олдин ҳам бир неча бор судланган бўлишса-да, бу "ҳунар"ларини ташлашмади. Аксинча, ҳар гал турли вилоятларнинг чекка қишлоқларига бориб, содда хотин-қизларни алдашда давом этишди. Шу мақсадда улар бу гал "Идалиқалъа" маҳалласи кўчаларини кезишди. Кўниқўшни аёллар бир жойда тўпланиб қолишса, суҳбат қизийди. Уч-тўрт аёлнинг кўча бошида гаплашиб туришганини кўрган фирибгарлар режани амалга оширишга уринишди. Аёлларнинг суҳбатига қўшилишиб, уларнинг бўйни ва қўлларидаги тақинчоқларга зимдан қарашни унутишмади.

— Эски нарсаларингиз бўлса, сотиб оламиз. Уйларингизда керакмас эски-туски буюмлар бордир, — дея аёлларни уй-уйларига жўнатиб юборишни режа қилган фирибгарлар бу гал Райҳон Қурбонованинг тақинчоқларига кўз олайтиришди.

— Опа, бўйнингиздаги тиллами?

"Ҳа" деган жавобдан кейин ҳам савол беришдан тўхтамаган Д.Орзиева уни кўпроқ гапга тутарди.

— Ўхшамаяпти, опа. Тилла суви югуртирилган бўлса бордир, лекин аниқ тилла эмас. Келинг, текшириб бераман.

У бир амаллаб Р.Қурбонованинг бўйнидаги занжирини ечтириб, хуржунидаги суюқликдан бир томчи томизганди, занжирнинг ўша жойи қорайиб қолди.

— Мана, опа, тилла эмас дедимку. Тилла бўлганида қораймасди, умуман ранги ўзгармасди. Сизни алдаб сотишган.

Р.Қурбонова бу аёлнинг гапларига ишонди, қолган тилла тақинчоқларини ҳам текширтириш учун уларнинг қўлига тутқазди.

Ўн кундан кейин келамиз, дея ваъдалашиб, одатдагидай унга уч пулга қиммат ўз тақинчоқларини бериб кетишган фирибгарлар Р.Қурбонованинг жами 1 800 000 сўмлик тилла тақинчоқларини хуржунга солишдию, бу қишлоқда ҳам қайтиб кораларини кўрсатишмади.

КУНИДА СИНГАН КЎЗА

Д.Орзиева ва Х.Сангинова бу гал Шовот туманининг бошқа қишлоғига қараб йўл олишди. Кўчаларни айланиб юриб, ниятларини амалга оширишга уринишди. Яна қўшни аёлларнинг ўзаро суҳбатлашиб тургани уларга қўл келди. "Эски буюмлар олиб юрибмиз, бўлса олиб чиқинглар", дея суҳбатга аралашишди. Гап орасида қайси қўшниникида яқин кунларда тўй бўлганини билиб олишди. Кейин бориб янги келин туширган хонадон эшигини тақиллатишди. Ҳовлига киришлари биланоқ, бу хонадонда яқинда тўй бўлганлиги, келинчакнинг пойқадами қутлуғ келганлигини ва яна яхши хушхабарлар борлигини айтишиб, уй бекасини фол очтиришга кўндиришди. "Келинингизни ҳам чақиринг, унга ҳам фол очайлик", дея ёнларига янги келинчакни ҳам чақириб олишди. Аслида уларни келинчакнинг тақинчоқлари қизиқтирарди. Ҳеч нарсадан бехабар келин уларга қўлини узатди. Кафтига қараб, фол очишни бошлаган Д.Орзиева гап орасида тақинчоқлари ҳақида сўрашни унутмади.

— Тиллаларингиз тозага ўхшамаяпти, келинг, аниқлаб бераман. Биратўла оғирлигини ҳам билиб оласиз. Сиздан нима кетди. Бу ишим учун пул олмайман. Фақат алданиб қолманглар дейман, ахир тўй қилиш осон эмас, сарф-харажати бор. Қолаверса, кейинги пайтларда дўконларда ҳам қалбаки тақинчоқлар кўпайиб кетди...

Қайнона-келиннинг тақинчоқларига суюқлик томизаётган фирибгарлар сценарий бўйича ўз ролларини яхши бажаришаётган эди. Улар аслида спирт ва йод аралашмасидан тайёрланган махсус суюқлик томизилгач, тилла тақинчоқлар ўз-ўзидан қорайиб қолишини яхши билишарди.

— Мана, кўрдингизми, сизларни алдашибди, — дея тақинчоқларни хуржунга солаётган фирибгарларга бу сафар омад кулиб боқмади. Одатда, тақинчоқ эгаларини чалғитиб, қочиб қолишга устаси фаранглар бу гал қаршиларида турган ички ишлар ходимларини кўриб, довдираб қолишди...

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатнинг бош тамойилларидан бири жиноятга жазонинг муқаррарлигини таъминлашдан иборат. Қолаверса, халқимизда асрлар оша яшаб келаётган кўза кунда эмас, кунида синади деган ибратли бир нақл бор. Бу гал ҳам шундай бўлди. Фирибгарлар қилмишларига яраша жазо олишди.

Наргиза БЎРОНОВА,
журналист

Қонунлардан хабардорлик даражасини оширишнинг

миллий ва хорижий амалиёти

➢ "Адолат" шарҳи

Юксак ҳуқуқий маданият демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Зеро, фуқароларнинг қабул қилинаётган ва амалдаги қонунлар, қарорлар, фармон ва фармойишларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши ва ўзларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятларини тўла-тўкис адо этиши, қонунларни ҳурмат қилиши ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим шартидир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Барча тузилмалар, аввало, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш зарур", дея таъкидлаб ўтди.

Биз қонун ижодкорлиги, назорати, тарғиботи ва тадқиқоти билан шуғулланувчи соҳа вакилларига мамлакатимизда амалдаги қонунчилик ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг қандай ташкилий-ҳуқуқий механизмлари мавжудлиги, бу борада халқаро тажрибада татбиқ этилаётган чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар хусусидаги саволлар билан мурожаат этиб, қуйидаги жавобларни олдик.

Шухрат ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда биз, депутатларга қарата қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмлари ҳаётдаги аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиши, бу муносабатларда иштирок этадиган ҳар бир субъект ўз ўрнини билиши ҳамда ўз фаолиятида қонун талабларига асосланиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Юртбошимиз маърузаларида илгари сурилган ғоя ва таклифлардан хулоса чиқарган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида биз, депутатлар кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, шунингдек, илмий ва ўқув муассасалари профессорлари билан ҳамкорликда қонунларнинг сифатини ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига олиб чиқиш ишларини сифат жиҳатидан кучайтириш, қонунларнинг ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш мавзуларига бағишланган давра суҳбатлари, илмий-амалий конференция, семинарлар ўтказиб келмоқдамиз. Бундай тадбирларда Юртбошимиз томонидан қўйилган ана шу масала юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар кенг муҳокама қилинмоқда.

Айтиш жоизки, парламент қуйи палатасида илк бора 2015 йилда қўлланилган амалиёт, яъни қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни, "ишламаётган" ва турлича талқин қилиниши мумкин бўлган нормаларни аниқлаш ҳамда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган қонунларни янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилган амалдаги қонун ҳужжатлари инвентаризацияси ва уларнинг натижалари кенг жамоатчилик томонидан қизиқиш билан қарши олинди.

Хусусан, инвентаризация жараёнида қонунчиликда айрим муаммолар, жумладан, баъзи ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмасдан қолганлиги ёки ҳанузгача амалга ошириш механизми билан таъминланмаган "ҳаволаки нормалар"нинг мавжудлиги, бир қатор қонун нормалари орасида ўзаро зиддият ва номувофиқликлар, шунингдек, қонунчиликдаги бошқа "оқ доғлар" аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Бу борадаги тизимли таҳлил ишларида бевосита манфаатдор вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари фаол иштирок этганликлари, шунингдек, ўрганилган қонунларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий тажриба билан ўзаро алоқадорликда таҳлил этилиши қонун ҳужжатларининг тегишли ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва истиқболини тўғри баҳолаш имконини берди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, қонунчиликнинг ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш масалалари 20 га яқин қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган, ҳуқуқий ахборот расмий нашрларда, давлат органларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек, бошқа ахборот тизимларида жойлаштирилаётган бир пайтда ҳуқуқий ахборотни кенг тарғиб қилиш, ижрочиларга ва аҳолига етказиш бўйича ҳали ечимини кутаётган масалалар борлигини тан олиш керак. Масалан, қонун ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бевосита ижрочиларга етказишнинг аниқ механизми, муддатлари назарда тутилмаган бўлиб, ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этишда ягона тизимнинг йўқлиги ҳамда шу каби ўз ечимини кутиб турган масалаларнинг мавжудлиги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун қабул қилиш заруратини туғдиради.

Фикримиз сўнгида аҳолининг барча қатламларида ҳуқуқий маданият юқори даражада бўлишига, фуқаролар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмидан, қабул қилинаётган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлишига барчамиз бирдек масъул эканлигимизни яна бир бор ёдга олган бўлардик. Зеро, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилиши ҳамда ҳаётийлигини таъминлаш ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир.

Сардор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими:

– Бугунги кунда институтимизнинг масъул мутахассислари қонун ва қонун ҳужжатларини аҳолига ва ижрочиларга етказиш бўйича хорижий ҳуқуқий амалиётни ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил этишмоқда. Бунда миллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли конференция ва семинарлар, давра суҳбатлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай тадбирлар демократик давлатларнинг бу борадаги қонун ижодкорлиги тажрибасини яқиндан ўрганишга, шунингдек, амалдаги миллий қонунчиликни ривожланган хорижий мамлакатларда қабул қилинган шундай қонунлар билан қиёсий таҳлил қилишга имкон бермоқда. Бундай ҳамкорликлар қабул қилинадиган қонуларимизнинг сифати ва амалиётда қўлланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Таъкидлаш жоиз, аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам учрайдиган ҳуқуқий амалиёт — бу қабул қилинган қонунлар расмий нашрларда эълон қилинганидан кейин кучга киришини назарда тутувчи нормаларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Жумладан, **Бельгия** Конституциясининг 190-моддасида ҳар қандай қонун ёки меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қонунда белгиланган тартибда эълон қилинганидан сўнг кучга кириши мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, 2005 йил 27 сентябрда қирол томонидан тасдиқланган "Ахборотни олиш ва тарқатишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан фуқароларнинг қабул қилинган қонун ҳужжатларининг нусхалари билан танишиш имконияти кенгайиб, бу борадаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, кузатиш Бош грефье, яъни Суд котибига юклатилган.

Буюк Британияда меъёрий ҳужжатлар Қонунлар тўпламида эълон қилиниши мажбурий бўлиб, тўплам икки қисмга ажратилган, яъни умумдавлат миқёсидаги ҳужжатлар «Public general acts» сериясида чоп этилса, хусусий шаклдаги ҳужжатлар «Local and personal acts» сериясида эълон қилинади. Шунингдек, қонунларнинг электрон нусхалари, биринчи навбатда, Бирлашган Қироллик Қироличаси нашриёти — Her Majesty's Stationary Office (HMSO)нинг расмий сайтида жойлаштирилиши белгиланган.

Венгрияда бу борадаги амалиёт "Ахборот эркинлигини электрон воситалар ёрдамида таъминлаш тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонун қабул қилинган қонунларнинг «Magyar Kozlony» ("Венгер ахборотномаси") расмий нашрида ва унинг интернетдаги электрон сайтида эълон қилиниши мажбурийлигини тартибга солади. Қонуннинг 12-моддасида қонун ҳужжатларининг босма ва электрон нусхалари фуқаролар эътиборига ҳавола этилишига оид меъёр ўз аксини топган бўлиб, иккала матнда фарқланишлар кузатилган тақдирда босма нашрнинг матни ҳақиқий деб ҳисобланиши, айни пайтда қонунлар ва қонуности ҳужжатлари электрон сайтда босма нашр билан бир кунда эълон қилиниши белгилаб қўйилган.

Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг 82-моддасида қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши ГФРнинг расмий нашр органи — Федерал қонунчилик ахборотномаси(Bundesgesetzblatt)да эълон қилинганидан сўнг бошланиши мустаҳкамланган. Ахборотнома уч асосий қисмга бўлиниб, биринчи қисмда федерал қонунчилик, иккинчисида халқаро келишувлар ва уларни амалга ошириш механизмларини ўзида ифода этувчи қонун ҳужжатлари, учинчи бўлимда эса қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар чоп этилади. Мамлакатдаги "Маъмурий процедуралар тўғрисида"ги қонунга асосан вазирлик, идораларнинг маъмурий бўйруқлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, шунингдек, суд томонидан чиқарилган қарорлар, хусусий тартибдаги эълонлар чоп этилиши мажбурий ҳисобланади. Бундан ташқари, идораларо маъмурий ҳужжатлар матни унда белгиланган вазифаларни бажаришга масъул ташкилотларга почта хизмати томонидан йўлланилади ва хат ташкилотга етиб келган куннинг учинчи кунидан кейин қонуний кучга эга бўлиши қонун билан кафолатланган.

Норвегияда "Норвегия юридик ахборотномаси тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлиб, унда қабул қилинган қонунлар, қонуности ҳужжатлари, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, мамлакат парламенти Сортинг томонидан қабул қилинган солиқ қонунчилигига оид ўзгартишлар расмий нашр ҳисобланмиш "Норвегия Ахборотномаси"да чоп этилиши белгилаб қўйилган. Мазкур қонунга кўра, агар қонун ҳужжатида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, у эълон қилинганидан бир ойдан сўнг кучга киради.

Швейцарияда мамлакат парламенти Бундестагнинг 1998 йилдаги қарорига асосан ижро ҳокимияти федерал ташкилотлари қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг нафақат босма нусхасини, балки электрон шаклдагисини ҳам исталган фуқаронинг ахборот ташувчисига юклаб беришга масъулдирлар. 2005 йил 1 январдан кучга кирган "Расмий эълонлар ва нашрлар тўғрисида"ги қонунда Ордонанс томонидан тасдиқланган қонунлар қай тартибда эълон қилиниши шарти ва талабларидан тортиб, қайси электрон манзилдан топиш мумкинлигигача бўлган меъёрлар ўз аксини топган. Қонунлар кучга киришидан камида беш кун аввал эълон қилинади.

Хулоса ўрнида айтиш лозим, дунёнинг қайси мамлакатида бўлмасин, аҳоли ва ижрочиларга қонунларнинг мазмун-моҳиятини етказиш учун амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар замирида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунга нисбатан ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш мақсади мужассам. Жумладан, аҳолининг ҳуқуқий билимдонлиги даражасини ошириш, қабул қилинаётган ва амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга ҳисса қўшиш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳам мақсад ва вазифаларидан биридир.

Саҳифани «Adolat» мухбири Саодат СОДИҚОВА тайёрлади.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ,
партия фаоли, ҳуқуқшунос:

— Салкам 25 йилдирки, Ўзбекистон демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Албатта, ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир. Шу боис юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эришиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони муҳим ҳуқуқий-норматив мезон бўлиб хизмат қилмоқда. 1997 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга доир чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтирди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ўзига хос мактаб яратилди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнини тартибга соладиган, қонун ҳужжатларининг сифатини юқори даражага кўтаришга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Буни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида", "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишига оид билдирилган таклифларга асосан "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинди. Қонунда фуқаролик жамияти институтларини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жараёнига кенг жалб этишга оид ҳуқуқий механизм ўз ифодасини топган бўлиб, бу қонун ижодкорлиги жараёни, қабул қилинаётган қонунлар сифати ҳамда самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Мазкур қонуннинг муҳим жиҳати норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш тартиби, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизасига оид нормаларнинг мавжудлиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шарти эканлиги ҳамда уларни баён тарзида расмий эълон қилинишига йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилганлигида ифодаланади.

Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шаклларини уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилиниши шартлиги тўғрисидаги янги норма киритилганлиги аҳолининг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлигини оширишда ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дилором ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси» рисоласида «Биз демократик тамойилларнинг одамлар онгига сингиб боришига, ҳуқуқ ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришмоғимиз учун қуйидаги жиҳатларга аҳамият бермоқ лозим.

Биринчидан, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қиляпти, бундан тўла хабардор бўлиши керак.

Иккинчидан, айниқса инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунлар унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим.

Учинчидан, тайёрланаётган қонунлардан ҳам аҳоли хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай ишланаётгани жамият назоратида туриши зарур. Энг муҳими, давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг кенг иштирок этишига эришиш даркор. Шунда қонунларимиз инсон ҳуқуқини таъминлашга, бошқача айтганда, халқимиз манфаатларига хизмат қилади», деб таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, аҳолининг юқори даражадаги ҳуқуқий ахборот билан таъминланганлиги — мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган тамойилларнинг амалга оширилишида, демократик-ҳуқуқий ислоҳотларимиз йўналтирилган мақсадларга эришишда муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши, кучга киритилиши тўғрисидаги ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот тизими мавжуд бўлгандагина жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлиги ҳақида бемалол сўз юритиш мумкин бўлади. Норматив база тўғрисида тўлиқ ва тезкор ахборот олиш — фуқароларнинг бевосита ва ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда, уларнинг қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришда, амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва бажарилиши устидан жамоатчилик назоратида иштирок этишларида зарурий шартлардан биридир.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида ҳам қонун ҳужжатларининг аҳолига етказиб берилиши масаласига алоҳида тўхталиб, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжатини қабул қилиш ва амалга ошириш, энг муҳими, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш мамлакатимизда қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ҳозирги кунда адлия органлари томонидан қонун ҳужжатларини аҳоли ва ижрочиларга етказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қонун ҳужжатларини етказиб беришнинг муҳим воситалари ҳисобланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», кодексларнинг расмий нашр этилиши, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – Lex.uz нинг фаолияти самарали ташкил этиб келинмоқда. Ҳар йили тўпламнинг 52 та сони 5000 нусхада нашр этилиб, фойдаланувчиларга етказиб берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – Lex.uz да 37154 га яқин ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиб, ҳар куни база хизматига 10 мингдан ортиқ фойдаланувчи ташриф буюради, рўйхатдан ўтган ҳолда фойдаланувчилар сони эса бугунги кунга келиб 50 минг нафарга етди.

Шу билан бирга, биргина ўтган 2015 йил мобайнида бевосита адлия органлари томонидан жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган 66,1 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирларида 2 миллион 537 минг нафардан ортиқ аҳоли қамраб олинди. Бу жараёнда 51 минг тадбир жойларда ўтказилди ва 13 мингдан ортиқ тадбир ОАВда ёритилди.

Ҳозирда қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятидан аҳолини ўз вақтида ва самарали хабардор этиб бориш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига бу борадаги ишларни янада жонлантиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Зеро, қабул қилинаётган ҳужжатлар, аввало, халқ манфаатларига, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишига қаратилган бўлиб, ушбу ҳужжатларнинг мазмунидан уларни тезкор ва тўла хабардор этиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Лоқайдлигимизнинг нохуш оқибатлари

Мавзуга қайтиб

Ўтган якшанба куни "Маҳалла" телеканалида намойиш этилган "ҚИЁМАТГА ҚОЛГАН ҚАРЗ" кўрсатуви ҳамюртларимизни яна бир карра огоҳликка, ҳушёрликка чорлади. Айни вақтида кўтарилган муаммо ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Зеро, Ватанимиз тинчлигига солинажак ҳар қандай хавф, тажовуз ҳар биримизнинг уйимиз, кўнглимиз оромини бузади.

Танишимнинг йигирма яшар ўғли Россияда бир йил ишлаб қайтди. Агар маҳалла мутасаддиларининг суриштируви ва паспортни ўзгартиришдек "ташвиш" баҳона бўлмаганида у яна қанча бевош юрарди, билмадим. Мактабни бир амаллаб битирган йигитча коллежда ҳам ўқитувчиларини қийнади. На иссиққа, на совуққа кўнадиган боладан она шўрлик ҳам дод дерди. Барча ташвишларга отасиз ўсганини сабаб қилиб кўрсатарди. Хуллас, кунларнинг бирида Россияга ишга олиб кетадиган "янги бой" пайдо бўлди-ю, танишим ўғлини қўшқўллаб унга топширди. Мусофирликда ақли кирар, деб изоҳ берганди онаси менга ўшанда.

Афсус... Тайинли пул ишлаб топмагани ҳам у ёқда турсин, тарбияси бутунлай издан чиқиб қайтибди. Эркинликка эрта ўрганган, пулни фақат ўзи учун ишлатишга қўниккан йигитча қишлоқда эгилиб иш қилмади. Бир ойга қолмай онасининг бор бисоти — бувисидан мерос тилла зирак-узукларни ўғирлаб сотиб юборди. Унинг қўлида пул пайдо бўлиб қолганини одамлар билмади дейсизми? Эртаю кеч кабобхонаю пивохоналарда юрса, панапастқам жойларда ҳамтовоқлари билан маишат қилса...

Она жим... У боласидан бутунлай ажралиб қолишдан қўрқади. Ўғирлик қилганини била туриб фарзандининг бошини силайди. Атрофдагилар ҳам сезишади. Кўриб кўрмаганликка олишади. Бир-бирларидан эшитишади-ю, биров юрак ютиб танбеҳ бермайди. Кечагина танишим яна кўз-ёш қилиб қолди. Яхши ният билан йиғиб юрган пули кўрпа қатидан йўқолибди... "Болам бир йил қайда юрди, нима ишлар қилди, билмайман. Кимлар билан бўлди, биломадим. Отаси бўлганда "ҳой" дердими?" Муштипар аёлнинг дарди ичида. То яра патос боғлаб, ёрилмагунча маҳалла, қўшнилар бу ҳолатга аралашишга жазм қилмайди чоғи.

Улар улар-ку, мен қайда эдим? Бу оилани яхши билганимдан тўқмоқнинг бир учи менга ҳам урилгандек бўлди. Ноқонуний ишга кетаётганини кўра-била туриб индамадим. Бетайин одамларга илакишиб қолган йигитчани тартибга чақирмадим. Сенинг ҳаётинг — сенга тегишли. Ўзинг учун ўзинг жавоб берасан, деганимми бу?! Ҳа, аччиқ бўлса ҳам тан оламан.

Лоқайдлик. Сизу бизнинг лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз кўп бахтсизликларга сабабчи эмасми? Эл-юртни порокандаликка олиб келиши мумкин бўлган энг катта иллат — бефарқлик менинг назаримда. Сен менга тегма, мен сенга тегмайман. Менинг ишим нима? Бу уларнинг ҳаёти... дейишимиз. Тўғри, тан олиш керак, халқимиз жигаржон. Қўшнисиникида "тиқ" этган товуш чиқса, бохабар бўлади. Қайнона-келин, тўйтомоша масаласида-ю, асти гапирмай. Аммо ҳар доим ҳушёрмизми? Э йўқ, бе йўқ норғул ўғил ёки вояга етган қиз кўринмай қолса, бир сўраб қўямиз. "Амма-холаси кафилликка олиб хорижга ишга олиб кетди", деса "ҳа-а" дейишдан нарига ўтмаймиз. Маҳаллада бегоналар оралаб юрипти, қўшниникига кимлар келиб, кимлар кетяпти. Қош қорайганда ёш-яланглар пана-пастқамда тўпланиб туришни одат қиляпти...

Бизга тегишли эмас, деймиз. Дераза-эшикларни маҳкамлаб, иссиқ уйимизда жи-им ўтираверамиз. Дунёни сув олмайдими?..

Қани айтинг, сизда шундай кайфият бўладими-йўқми? Бизни ташвишлантираётгани ана шу лоқайдлик бора-бора оила ичимизга ҳам кўчмасмикан?

Кўрсатувни томоша қилганлар яхши эслашса керак. Фарзандлари ватанфуруш, хоин номини олган ота-оналарнинг кўз ёшларига тоқат қилиб бўлмайди. Маҳалла-кўй олдида ер билан битта бўлиб, бу қунидан ўлимини афзал кўрган ота-оналарнинг аччиқ қисмати энг тошбағир инсонни-да юрагини эзиб юборади. Ким фарзандим нобакор бўлсин деб тарбия этади. Аммо тарбияда ҳам тарбия бор экан. Бу юзқароликка, аввало, ўзлари сабаб эмасми? Ўзларининг бефарқлиги, лоқайдлиги, сўраб-суриштирмаганлиги, бебош бола кетидан қолмай юрмаганликлари сабаб эмасми? Калтак суқсанг, мева битадиган юртимизда шу қадар ночор яшармидиларки, ўзлари яхши билмаган, кўрмаган бегона юртларга болаларини ишониб юборсалар. Ит ётиш-мирза туриш қилиб яшашга маҳкум этсалар? Нахот фарзанд келажаги шунчалар арзон бўлса?..

Уйим-жойим дейдиган, дину диёнатли, ориятли эркакларимиз бор бўлишсин. Аммо "чимилдиқ сирлари"ни хориждан ўрганиб келаётган йигитлар, касалманд бўлиб қайтган юртдошларимиз ҳам бор-ку. Ҳамма нарса пул билан ўлчанавермайди-ку. Кўрсатувда марғилонлик отахон Зокиржон Иномовнинг сўзлари юракларни титратиб юборди: "Пул ўлсин! Ит қилмайдиган, эшак қилмайдиган ишларни ўшатта эмас, шўтта қилса, ўша пулни топарди-ку. Азизлар, суриштирайлик, ҳушёр бўлайлик!"

Ишлаяпман, деб фарзанди юборган ҳаром пулларга алданган отанинг боши хам. Онанинг кўз ёшлари аччиқ-аччиқ. Жигарларнинг боши эгик. Хоиннинг оиласи, ватанфурушнинг, ватангадонинг оиласи деган тавқи лаънат билан тириклайин ёниб турган бир оиланинг фожиаси бу. Иснодга қолган бу кимсалардан ҳатто маҳалла юз ўгиряпти. Эл-юрт юз ўгираяпти. Бир томондан бу тўғридир. Аммо... Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор-ку. Вақтида шу маҳалла, унинг фаоллари, қўни-қўшнилар ҳушёр бўлишдими? Ўша бевош йигитлар дам Россия, дам Туркия, дам яна аллақаёкларда учиб-қўниб юрганини билишгандир? Сезишгандир?

"Қўлимга тушса ватанфуруш укамни бўғиб ўлдирардим шу қўлларим билан. Шу қўлларим билан қайдалигини билсам тутиб берардим!" дейди яна бир аёл. Эшикка тикилиб тирик мурдага айланаёзган онасининг дардини айтиб йиғлайди шўрлик. Доди дунёни титратади. Бу юзкораликка, шармандаликка сабаб бўлган укаси билармикан не ишларни бошлаб қўйганини? Йўқ. Унинг учун на ота, на она, на ёру дўстлар бор. Ватанфурушнинг Ватани йўқ. Демакки, туққану туғишганлари ҳам мавжуд эмас. У ўзи билиб-билмаган "ҳақиқат"лар учун, сохта туйғулар, ёлғон ваъдалар учун жон беришга тайёр. Ўзга юртнинг итялоғидан нон еб, инсоний қиёфасини ҳам йўқотган.

Эътибор берганмисиз, она фарзандларини бағрига босиб суратга тушишни истайди. Бобо-бувилар учун эрка набиралари даврасида суратга тушиш афзал. Келин-куёвлар бахтиёр кунларида бир қучоқ гулни бағирларига босиб расмга тушадилар. Анави ватангадолар эса одам ўлдириш учун яралган совуқ қуролларини бағирларига босиб, шундай бир мамнунлик, сохта ғурур билан суратга тушадиларки, "э, топган "мартабанг" бошингда қолсин!" дейсан беихтиёр. Сурат ортидаги ҳаётлари эса ўзларигагина аён. Тўғрироғи, ҳаёт йўқ уларда. Она ерини арзонгаров сотган, туғилган тупроғини қадрлай билмаган хоинларнинг ҳаёти нима бўларди?!

"Огоҳлик — давр талаби!" деган шиор ҳар қадамимизда кўзга ташланади. Бу чақириқ онгу шууримизга ҳам сингиши керак. Зеро, ҳар биримизнинг ҳушёрлигимиз гўзал диёримизнинг янада гуллаб-яшнаши кафолати эмасми? Бугунга келиб паспорт тизимининг такомиллаштирилиши, маҳаллаларда доимий ва вақтинчалик яшаётган фуқароларнинг хисобдан ўтиши таъминланиши ҳушёрлик сари қўйилаётган муҳим қадамлардан бири саналади. Хориждан қайтаётганлар орасида ғараз ниятли, ниқоб таққан, қўнгли бузуқлар бўлиши мумкин. Улар бир кун келиб турли уйдирма ва сафсаталари билан содда-самимий одамларни чалғитишлари турган гап. Ана шундай манқуртларни фош қилиш мутасадди ташкилот ходимлари билан бир қаторда сизу бизнинг ҳам фуқаролик бурчимиздир.

Яна кўз олдимга милтиқ қучоқлаб суратга тушган нобакор келди. У муқаддас ислом динимизни ниқоб қилган чала муллалар кетидан икки дунёсини куйдириб яшаяпти. Арслондек Ватан чегарасини химоя этиш ўрнига пул қуллари нинг қулига айланган. На миллатини, на қадриятларини билади. Қай юртда туғилганлиги, кимларнинг вориси бўлиши мумкинлигини эсламайди ҳам. У ва унга ўхшаганлар энди биздан эмас.

Истиқлол йилларида асларга татигулик натижаларга эришдик. Олдинда катта-катта режаларимиз, буюк мақсадларимиз бор. Ҳушёр бўлайлик! Ёш авлодни нафс қурбони қилишдан, ёт ғоялар таъсиридан асраш учун тарбияни ўзимиздан бошлайлик. Биз олам таниган ва дунёга машҳур бўлган улуғлар юртининг фарзандларимиз. Ана шу ғурур ва ифтихор билан Ватан тупроғини кўзимизга тўтиё қилайлик.

Яшнар МЎМИНОВА,
журналист

"Ёш адолатчилар" қаноти фаолиятидан

Юртимиз ёшлари ривожланган мамлакатлар ёшлари билан бемалол баҳслаша оладиган, миллий байроғимизни баланд кўтариб, Ватанимиз номини шарафлайдиган юксак маънавиятли бўлиб камол топмоқда.

Эришаётган ютуқлари билан ўз тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган сирдарёлик ёшлар ҳақида сўз кетганда, албатта, таэквондо бўйича етти карра Ўзбекистон чемпиони, қора белбоғ соҳиби Шаҳноза Самадованинг номи ҳам ғурур билан тилга олинади.

Юрт ишонган, таянган

баркамол авлод

Иқтидорли маслакдошимиз Шаҳноза мамлакатимиз ва Осиёда, шунингдек, бир қатор халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Таъкидлаб ўтиш лозимки, у таэквондо ITF бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси. "Спорт усталигига номзод" саналади.

Ёш спортчи дастлаб 2011 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган спортнинг таэквондо ITF тури бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Ўзбекистон кубогининг жамоавий беллашувида 1-ўринга сазовор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг дипломи билан тақдирланди. Шу йилнинг ўзида жеткундо бўйича Ўзбекистон чемпионатида 3-ўрин, ўзбек жанг санъати бўйича Ўзбекистон чемпионатида 3-ўринни эгаллади. Қозоғистон давлатининг Тараз шаҳрида таэквондо ITF бўйича ёшлар ва катталар ўртасида халқаро турнирида 2-ўринни қўлга киритди.

2012 йилда Таэквондо миллий федерацияси томонидан 1-ДАН қора белбоғ соҳиби бўлди.

Кўп ўтмай Астана шаҳрида таэквондо ITF бўйича халқаро турнирда ёшлар ва катталар ўртасида 3-ўринни эгаллаб, Таэквондо ITF федерациясининг дипломи билан тақдирланган ёш спортчи яна бир қатор халқаро мусобақаларда ютуқларга эришиб, дунё миқёсида юртимиз номини улуғлаб келмоқда. Ҳозирга қадар спорт мусобақаларида Шаҳноза Самадова сазовор бўлган жами 40 дан зиёд медалларнинг 27 таси олтин, 11 таси кумуш 8 таси бронза медали эканлиги тахсинга лойиқ.

Шаҳноза "кўп йиллардан буён устози, Ўзбекистон таэквондо ITF миллий ассоциацияси Сирдарё вилояти бўлими ижрочи директори, 2-ДАН қора белбоғ соҳиби, жаҳон чемпионати совриндори Рустам Ҳамроевдан таэквондо сирларини ўрганиб келмоқда. Устоз ҳам истеъдодли шогирдининг ютуқларидан мамнун.

— Ҳозирда 60 дан зиёд шогирдларим бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос иқтидор, салоҳиятга эга, — дейди Рустам Ҳамроев. — Шунга қарамай, Шаҳноза улар орасида ажралиб туради. Олти йилдан буён унга таэквондо сирларини ўргатиб келаман. У жуда масъулиятли, берилган сабоқларни пухта ўзлаштиради, ўзи ҳам мустақил равишда ўрганади. Серғайрат ва ҳаракатчанлиги, қатъияти унинг келгусида бундан-да юқори чўққиларни забт эта олишига ишончимни оширади. У ҳозирги кунда Гулистон давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг 3-босқичида аъло баҳоларга ўқимоқда.

Шаҳноза айни пайтда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти фаолларидан бири. У партиявий тадбирларда ҳам намунали қатнашиб келаяпти. Айниқса, ёшларни ўз қобилиятларини намоён этишга, яратилган бебаҳо имкониятлардан астойдил фойдаланиб, билим чўққиларини эгаллашга ундаб, уларга ибрат кўрсатмоқда. Ёшлар ўртасида "Биз хеч кимдан кам бўлмаймиз", "Юрт ишонган, таянган баркамол авлод", "Ёшларнинг фуқаролик позицияси шаклланишида сиёсий партияларнинг ўрни", "Ўз касбини пухта эгаллашда таълим муассасалари, касб-хунар коллежларининг роли" каби қатор мавзулардаги тадбирларда Шаҳнозанинг сермазмун чиқишлари ҳар доим барчанинг диққат-эътиборини тортади. "Ёш адолатчилар" қаноти сафида ана шундай иқтидорли ёшларнинг борлиги бошқа сафдошларимизни ҳам юксак марраларга етаклайди, албатта.

Шуҳратжон ҲАСАНОВ,
Сирдарё вилояти

Reklama

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

6-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

2016 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

ЛОТ — 7

Лот 7-1. «Бухоро вилояти, Олот туманидаги «Марказий Олот» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (92,865 км)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — **776 571 439 сўм (ҚҚСсиз).**
Қурилиш муддати — **11 ой.**

Лот 7-2. «Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги «Шимолий Шофиркон» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (72,74 км)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — **570 799 918 сўм (ҚҚСсиз).**
Қурилиш муддати — **8 ой.**

Лот 7-3. «Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги «Ўнг тўсувчи» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (76,283 км)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — **692 728 200 сўм (ҚҚСсиз).**
Қурилиш муддати — **7 ой.**

ЛОТ — 8

Лот 8-1. «Бухоро вилояти, Пешкў туманидаги «Т-9 Шимолий» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (81,8 км)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — **1 110 800 815 сўм (ҚҚСсиз).**
Қурилиш муддати — **10 ой.**

Лот 8-2. «Бухоро вилояти, Коровулбозор туманидаги «З-ГД» хўжаликлараро зовури тизими бўйича таъмирлаш-тиклаш ишлари (51,06 км)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 416 715 670 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш муддати — 10 ой.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 35% ни ташкил қилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: 6-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.
Манзили: Бухоро шаҳри, Ширбуддин кўчаси, 12-уй.
Тел: (8-365) 225-15-40, факс: 225-24-53.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Рашид МАТКУРБАНОВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *233-41-89.*
Навбатчи муҳаррир — Рустамжон Аҳмадалиев
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
info@adolatgzt.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 100. Адади — 11737
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.20
Баҳоси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5